

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

БОҲОДИРОВА ЗАГНИГОР БОҲОДИР ҚИЗИ
МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5A140901 - Касб таълими (Молия)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. А.Я.Юлдашев

НАМАНГАН - 2012

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
I боб. Ўзбекистон олий таълим муассасаларини молиялаштириш шакллантириш манбалари ва вазифалари	
1.1 Олий таълим муассасаларни молиялашни муаммолари, аҳволи ва вазифалари.....	8
1.2 Олий таълим муассасаларни бюджет маблағларнинг шаклланиши.....	23
1.3 Олий таълим муассасаларининг молиялаш бўйича чет эл тажрибаси.....	35
II боб. Наманган муҳандислик-педагогика институтининг молиявий ҳолати таҳлили	
2.1 Наманган муҳандислик-педагогика институти давлат бюджетидан молиялаштириш таҳлили.....	46
2.2 Наманган муҳандислик-педагогика институти харажатларини молиялаштириш динамикаси таҳлили.....	58
2.3 Наманган муҳандислик-педагогика институти харажатларини манбаларидан самарали фойдаланиш таҳлили.....	65
III боб. Олий таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришни асосий йўналишлари	
3.1 Таълим соҳасини бюджетдан ташқари молиялаштириш масалалари	76
3.2 Таълим соҳасини молиялаштиришда бюджет маблағи ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари.....	81
3.3 Ривожланган мамлакатлар таълим тизимини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларидан Ўзбекистон таълим тизимида унумли фойдаланиш.....	85
3.4 Иктисодиётни модернизация қилиш шароитида таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш-замон талаби	94
Хулоса ва таклифлар.....	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	115

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари давомида макроиқтисодий соҳада барқарорликка эришди ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодиётни жонлантириш ва босқичма-босқич ўсишига шароит яратиш имконига эга бўлди.

Бугунги кунда республикамызда олий таълим соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун масалани маълум даражада ҳал этиш мақсадида бюджетдан ажратилаётган маблағлар манзилли йўналтирилмоқда, яъни Президентимиз таъкидлаганидек, молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилмоқда. Эркин фуқаролик жамият ривожининг бардавомлигини таъминлашимиз учун эса ушбу маблағларнинг самарадорлигининг ошириб бориш ҳаммага муҳим вазифа бўлиб қолади.

Илмий ишнинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Миллий иқтисодиётининг турли соҳаларида айниқса, таълим тизимида хизмат кўрсатиш тадбиркорлигини турли шакллари ривожлантириш муаммолари энг кам ўрганилган илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунга қарамасдан бюджет сиёсати унинг турли сиёсий-иқтисодий устқуртмалар шароитида амал қилиш хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида илмий изланишлар, жаҳоннинг энг етакчи ва иқтисодчи олимларининг бир неча йиллар ва асрлар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар мавзуси бўлиб келган.

Молия тизимининг ва бюджет тизимининг моҳияти, вазифалари ва муаммолари таниқли классик иқтисодчи олимлардан У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, С.Фишер, Ж.Кейнс, К.Макконелл, А.Паффер, А.Шеремет, В.Панеков, Б.Сабанти, Д.Черник, Б.Бадырев, Г.Поляк, В.Романовский, Т.Гуйда ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Шунингдек ўзбек иқтисодчи олимларидан М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, Э.Акрамов, Т.Маликов, О.Олимжанов, Х.Собиров, К.Яхёев, Э.Гадоев, А.Ўлмасов, О.Жуманов, Д.Ғозибеков, А.Вахобов, Ж.Зайналов, Н.Хайдаров, В.Арошкина, Ж.Қўчкаров, Х.Жамолов, М.Алимов, З.Сирожиддинова, Г.Қосимова, С.Жубаев, Б.Жўраев, А.Саидов, Б.Ю.Ходиев ва бошқаларнинг бюджет тизимининг амалий ва назарий асослари, маҳаллий бюджетлар моҳияти ва уларнинг жамият ҳамда давлат ҳаётидаги аҳамиятини ва бюджет тизими муассасаларида ҳисоб юритиш, ҳисоботлар тузишнинг айрим масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Бироқ, ҳозиргача, айнан бюджет тизими муассасалари балансини тузиш амалиёти махсус илмий тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганилмаган.

Шунинг учун ҳам диссертация иши ўз олдига бозор муносабатлари фаолияти даврида бюджет муассасалари ҳисоботлари ва балансини такомиллаштириш вазифасини ечишни мақсад қилиб қўяди.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Мамлакатимиз иқтисодиётининг бюджет тизими олий таълим соҳасида иқтисодий ислохотлар жараёнини илмий таҳлил қилиш, бозор муносабатлари талаблари асосида янги ҳўжалик тизимини яратилиши натижасидаги ўзгаришлар ва молиявий ҳисобот ва балансни тузиш йўналишларини тадқиқ қилишдан иборат. Диссертация ишининг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечимини топиш белгиланди:

-Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

-Республикаимиз давлат бюджетининг ҳаражатларини ишлатилишининг меъёрларига риоя қилишнинг амалий жиҳатдан таҳлил қилиш;

-Республикаимиз бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ёритиш;

-Мамлакатимизда Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий ҳолати ва истиқболларини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

-НамМПИ мисолида бюджет муассасаларини харажатлар сметасини тузиш ва тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

-НамМПИ мисолида бюджет муассасасини харажатлар сметасини ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботини тузиш ва тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

-Бюджет муассасаси баланси, уни тузиш ва тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни иқтисодий эркинлаштириш шароитига мослаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

Илмий тадқиқот ишининг предмети ва объекти. Олий таълим тизимида молиялаштиришнинг янги услублари ва уларни бозор иқтисодиёти шароитига мувофиқлашуви билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий ва молиявий муносабатлар соҳада бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланиш жараёни, мулк шаклини ўзгариши, пуллик хизматни кенгайтирилиши, тизимда шартнома асосида ўқитишнинг жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мажмуаси ҳисобланади. Тадқиқотнинг объекти сифатида Молия вазирлиги, Олий таълим Вазирлиги ва Наманган муҳандислик-педагогика институтида бюджет маблағларини самарали ижросини таъминлаш мақсадида бюджет ресурсларининг шаклланиш ва ишлатилиши жараёнида вужудга келувчи муносабатлар майдонга чиқади. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқот ишида молиявий ресурсларни шаклланиши ва ишлатилишини бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, уларни баланс моддаларида тўғри жойлаштириш жараёнининг ҳуқуқий таъминоти муаммолари тадбиқ этилган.

Диссертация ишида изланишнинг маълумот базаси сифатида. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг бюджет бошқармаси маълумотлари ҳамда, Наманган муҳандислик-педагогика институтининг 2009-2010 йиллардаги ижро маълумотлари майдонга чиқади. Изланишнинг методик асосини илмий билишнинг диалектик усули, статистик-математик, таркибий-қиёсий, объектив таҳлил усуллари, иқтисодчи олимларнинг молия

бюджет муносабатлари наазарияси ва амалиёти соҳасига оид ишлари ташкил этади. Изланишнинг назарий асосини ёритишда бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари, Президентимиз И.А.Каримов томонидан асосланган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврини назарий тамойиллари, Олий Мажлисида қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари мазкур муаммо юзасидан олиб борилган илмий ишларидан фойдаланилди.

Изланишнинг илмий янгилиги. Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган бюджет тизимининг янги моделида Олий таълим бюджетини самарали ижросини таъминлаш, унинг молиявий имкониятларини мустаҳкамлаш, бухгалтерия ҳисоби ва балансини комплекс таҳлил этиш масалаларига доир муаммоларни илк бор тадқиқ этилганлиги, уларни амалга ошириш йўллариининг кўрсатилганлиги ҳамда аниқ тавсиялар ишлаб чиқилганлигини асослайди.

Илмий тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсиялар даражасигача тадбиқ этилганки, улар Олий ўқув юртлари бюджетини самарали ижросини таъминлашга, молиявий имкониятларини янада мустаҳкамлашга амалий ёрдам беради.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Биринчи бобда Олий таълим тизими ҳаражатларини молиялаштиришни назарий асослари ёритиб берилган.

Иккинчи бобда Наманган муҳандислик-педагогика институтининг молиявий ҳолати таҳлили, Наманган муҳандислик-педагогика институти давлат бюджетидан молиялаштириш таҳлили ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш таҳлили ёритилган.

Учинчи бобда Олий таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришни асосий йўналишлари, таълим соҳасини бюджетдан ташқари молиялаштириш масалалари, таълим соҳасини молиялаштиришда бюджет маблағи ва унинг самарадорлигини ошириш муаммоларини ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида эса тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларимиз баён этилган.

1.Боб. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Олий таълим муассасаларни молиялашни муаммолари, ахволи ва вазифалари

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиш йўлидаги ҳаракати давлат ва жамиятнинг, шу жумладан, таълим тизимидаги фаолиятнинг барча соҳаларидаги туб ислохотлар билан боғлиқдир. Олий мактабни қайта ташкил этиш жараёнининг самаралилиги фақат аجدодларимизнинг фаолият турли соҳаларида орттирган, жамият янада ривожини таъминловчи тажрибаларини ўзида жамловчи муҳим муассаса эканлигини тан олиш билангина эмас, балки улар самарали фаолият кўрсатиш учун зарур моддий ресурсларни вужудга келтириш билан ҳам белгиланади.

Таълим муассасасининг ташкилий-бошқарув асосларини ўзгартириш олий мактаб иқтисодини қайта қуриш билан бир вақтда кечади. Молия-кредит механизми амал қилишини тадқиқ этиш таълим муассасалари иқтисодининг ташкил этилиши сифатини баҳолашда асосий мезон ҳисобланади. Бу республикани олий маълумотли мутахассислар билан амалда таъминлаш молиялаш ҳажмига боғлиқ деганидир. Молиялаш, ўз навбатида, биринчидан, давлат иқтисодиёти ахволи, иккинчидан, таълим сиёсати билан белгиланади.

Олий мактаб ривожлантириладиган ва ўз-ўзини ривожлантирадиган тизим. У инсоният тараққиёти бутун босқичи мобайнида тўпланган тажрибани янги авлодларнинг онгига сингдириш ва маданият, фан, техника, умуман, жамиятни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга даъват этилган. У ўз қонуниятларига мувофиқ фаолият кўрсатади ва ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг бевосита таъсири остида ривожланади.

Бозор иқтисодига ўтиш барча соҳаларда, шу жумладан, олий таълимда сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу, аввало, қатъий вертикал тизимнинг

парчаланиши, ёш мутахассисларни қабул қилиш ва тақсимлаш мажбурий режасининг тугатилиши олий таълимнинг ижтимоий, давлат ва тижорат шўъбалари тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига амал қилиш билан боғлиқдир.

Эндиликда давлатимиз таълим сиёсатини “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан иборат қонунларга асосланувчи барча таълим тизимини кенг кўламда ҳам туб ўзгаришлар кўзга ташланади. Зеро, ҳозирги вақтда таълим муассасаларини молиялаш давлат томонидан маблағ билан таъминлаш ва таълим муассасаларига фаолият кўрсатишларида кенг мустақиллик бериш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таълимни молиявий таъминлашни тубдан яхшилашга йўналтирилган вазифалар ҳал этилмоқда. Булар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасига йўналтириладиган ЯИМ улушини босқичма-босқич ошириб бориш;
- Кадрлар тайёрлашни молиялаш тизимининг кўп вариантлилиги (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан таъминлаш) ни жорий этиш;
- ўқув юртлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш;
- таълим соҳасига хусусий, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;
- республика фуқаролари учун таълим кредити бериш тартибини шакллантириш, кейинчалик уни қайтаришнинг мослашувчан тизимини яратиш;
- Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳомийлар хизматини ошириш;
- Пулли таълим хизмати кўрсатиш, тадбиркорлик, консультация, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий фаолият ва фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобига ўқув юртларининг даромадларини оширишни таъминлаш.

Олий, ўрта махсус ва касбий таълим соҳасидаги, шу жумладан молиявий-иқтисодий таъминланганлиги қисмидаги туб ислохотлар илмий ва иқтисодий мустақиллик тамойилларига асосланади.

Таълим муассасасининг илмий мустақиллиги илмий тадқиқотлар йўналиши, мавзуси, буюртмачиларни, шунингдек ишларни олиб бориш шакл ва усуллари танлашда намоён бўлади.

Таълим муассасалари иқтисодий мустақиллигининг асоси бўлиб, ўз фаолияти туфайли таълим муассасаси ишлаб чиқарган маҳсулотнинг мавжудлигини тан олиб ҳисобланади.

Олий мактаб иқтисоди, бу миллий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг алоҳида қисми. Унинг амал қилиши фаолиятнинг мазкур соҳасидаги ўзига хос молиявий, моддий ва меҳнат муносабатларини ташкил этишга асосланади.

Иқтисодий мустақиллик деган, бир томондан, таълим муассасасининг ҳам ўз маблағлари, ҳам таълим, илмий ва хўжалик фаолиятдан келган ресурсларни тасарруф этишдаги эркинлик тушунилади. Иккинчидан, ўз фаолияти натижалари учун тўла иқтисодий масъулият тушунилади.

Таълим фаолиятини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасасаларига улар уставига мувофиқ таъсисчи объектларни (ер, бино, иншоот, мулк, жиҳозлар, шунингдек, бошқа истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган зарур мулкларни) эгалик қилиш ҳуқуқи билан уларга бириктириб қўяди, бу мулклар эса хусусий мулк ёки учинчи шахсдан (мулкдордан) ижарага олинган хусусий мулк сифатида таъсисчига таалукли бўлади. Таъсисчи томонидан таълим муассасасига бириктириб қўйилган хусусий мулк объектлари мазкур муассаса оператив бошқарувида бўлади.

Таълим муассасасининг хусусий воситалари (ёки моддий-техника базаси)ни актив ва пассив қисмларга ажратилиши мумкин. Пассив қисм (бино, иншоот, ер, жиҳозлар) талабалар, ўқитувчилар ва бошқа ходимлар учун зарур меҳнат шароитини вужудга келтиради. Актив қисм (профессор-ўқитувчиларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, программа маҳсулотлар, интернет ва ҳ.клар) олий таълим бериш жараёнида бевосита иштирок этади ер майдонлари давлат ва маҳаллий ҳокимият таълим муассасаларига муддатсиз, ҳақ тўламай фойдаланиш учун бериб қўйилади.

Кўпгина ҳуқуқларга эга таълим муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағи ва ўзига тегишли мулк учун жавобгардир. Таъкидланган воситалар ўқув юртида етишмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича масъулик қонунда белгиланган тартибда таъсисчи зиммасига тушади. Нодавлат таълим ташкилоти қонунда белгиланган умумий асосларда банкрот деб тан олиниши мумкин.

Таълим муассасаларининг жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий томонларига кўрсатилган таъсири жуда муҳимдир. Айни мана шу таъсир олий таълим тизими соҳасига нисбатан давлат ва минтақа сиёсатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимга иқтисодий таъсир инсоннинг тўплаган фойдали хоссалари мажмуи, унинг малакавий ва касбий сифатлари орқали амалга оширилади. Булар жамоа ишлаб чиқариш соҳасига бевосита қўлланиши жараёнида муайян инсон, у ишлаётган корхона ёки ташкилот фаровонлигини оширишга кўмаклашади. Бу, оқибат натижада тегишли ҳудуд ва давлат моддий фаровонлиги ошишига сабаб бўлади. Америка фирмалари тажрибасига кўра таълимга қўйилган ҳар бир 35 минг доллар 1 миллион доллар фойда келтирар экан. Бундан ташқари меҳнатни ақлийлаштириш ҳозирги жамиятнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади, демак мазкур соҳани устворликдан чиқариш жаҳоннинг илғор мамлакатларидан орқада қолишга олиб келади.

Ижтимоий таъсир шундан иборатки, шахснинг индивидуал ва ижтимоий онг шаклланиши кўп жиҳатдан айна шу таълим муассасаларида амалга ошади, жамият маънавий бойлилига бойлик қўшилади, бунга эса таълим, маданий-маориф хизмати кўрсатиш воситасида эришилади.

Олий мактаб, аввало, минтақага таъсир ўтказди.

Таълим муассасасининг минтақага таъсири йўналишларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

➤ Иқтисодий. Минтақа сезиларли даромадга эга бўлади, чунки таълим муассасасининг мавжудлиги анчагина қўшимча молиявий ресурслар оқиб

келишини таъминлайди. Бундан ташқари, та талабалар ўз даромадининг кўп қисмини мазкур минтақада сарф қилганлари учун бу жойда пул тушуми кўпаяди. Меҳнат бозорининг аҳволи юқори малакали мутахассислар сонининг ошиши томон ўзгаради, бу ўз навбатида, мазкур минтақада улар рақобатбардошлигини оширади ва уларга талабни кучайтиради. Демак, юқори малакали меҳнат билан боғлиқ иш ўринлари миқдори ҳам ошади. Ишлаб чиқариш тизимида ҳам илм талаб технологияларни яратувчи ва улардан фойдаланувчи ташкилот ва фирмалар кўпайиб, ўзгариш юзага келиши мумкин.

➤ Демографик. Таълим муассасасининг мавжудлиги аҳоли сонини ва ҳаракатчанлигини оширади. Бундан ташқари талабалар таркиби аҳоли тузилишига ижобий таъсир ўтказади.

➤ Ижтимоий. Минтақада турмуш даражаси яхшиланади, аҳоли саводхонлигининг ўсиши эса жинойтчилик кўрсаткичи пасайишига олиб келади.

➤ Маданий. Таълим муассасалари минтақа маданий ва ахлоқий савияси ошишига сабаб бўлади ва маданий ҳаётни янада жонлантиради. Шу билан бир вақтда минтақа ҳам таълим муассасаларига таъсир ўтказади, яъни таълим муассасалари минтақа манфаатларини эътиборга олади, акс ҳолда, улар фақат талабаларни йўқотибгина қолмай, балки ўзининг турли фаолиятига бўлган буюртмалардан ҳам маҳрум бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, таълим муассасаларининг фаолияти минтақа меҳнат бозори ва илмий технологиялар бозорини бевосита ўрганиш асосига қурилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан таълим муассасалари молиявий сиёсатини белгилашда ва тижорат асосида ўз фаолиятини ташкил этишда катта эркинликларга эга бўлдилар. Улар бозорда бугун таклиф этишлари мумкин бўлган хизматларни ўзлари мустақил белгилайдилар. Мазкур хизматларнинг нархи ва сифати оқилоналиги таълим муассасалари самарали фаолияти кўрсатишига, унинг обрўсига ва оқибат натижада, иқтисодий муваффақиятига бевосита таъсир ўтказади. Шу билан бирга, олий мактаб

фаолияти жамият ҳаётига, мамлакат иқтисодий ва сиёсий аҳволига биринчи даражали таъсир ўтказишига кўра, мазкур соҳа бевосита ҳамда қаттиқ давлат назорати остида туради. Бу, бир томондан, олий таълим стандартлари талабаларига боғлиқ масалалар бўйича таълим муассасаларига тавсияларда намоён бўлса, иккинчи томондан, таълим муассасалари тижорат фаолиятининг муайян тарзда чекланганлигида кўринади.

Таълим муассасаларини бюджетдан молиялаш тартиби давлат иқтисодий ва молиявий сиёсатида боғлиқ тарзда бюджетларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишнинг ягона қонунчилигини тадбиқ этишга асосланган.

Таълим инсон омилига инвестициядир. Жамият, давлат умуман бундай инвестициядан манфаатдор, чунки таълим даражасини ошириш иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларни бир қадар бартараф этади. Мана шунинг учун ҳам таълимга йўналтирилган молиявий ресурслар улуши устувор ҳисобланади.

Молиявий—кредит механизмининг таркиби, умуман қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

- молия-кредит муносабатларини ташкил этиш шакллари, усуллари, тамойиллари;
- қонунчилик чекловлари;
- режалаштириш, бошқариш тизими ва молия-кредит таъсири натижаларининг назорати;

Мазкур бўғинлари мустақил фаолият кўрсатишга қарамай улар бири бири билан боғлиқ ва алоқадор. Молия-кредит механизмининг мазкур таркибий қисмларининг ички боғлиқлиги ва унинг амал қилиш самарадорлигини белгиловчи биринчи даражали ва ажралмас шартли ҳисобланади.

Молия-кредит механизмини ташкил этишнинг турли шакллари, яъни бюджетдан молиялаш (бюджетдан турли даражадагиларни молиялаш), банк кредитлари ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашдан молия-кредит муносабатларини амал қилиши жараёнида бир вақтнинг ўзида баравар

фойдаланилади. Улар бир-бирини тўлдиради, шунга кўра уларни оқилона уйғунлаштириш ҳам бутун хўжаликка, ҳам улардан муайян соҳада фойдаланишга бевосита самарали таъсир кўрсатади. Таъсир ўтказиш усуллари муайян меъёр ва мезонлардан, шунингдек молиялаш ва кредитлашнинг ўзига хос жиҳозларига таъсир этувчи шарт тартиблардан иборатдир. Молия-кредит механизмининг мазкур бўғини унинг фаолият кўрсатиши тавсифини белгилайди. Молия-кредит муносабатларини ташкил этиш тамойиллари, бу молиялаш ва кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг муайян шартли ёки шартсиз омиллари ҳисобланади.

Молия-кредит механизми амал қилишнинг тартибини ташкилий тузилмалар белгилайди. Улар ҳуқуқий чеклашларни, режалаштириш бошқариш ва назоратни ўз ичига олади. Ҳуқуқий чеклаш молия-кредит муносабатларни ташкил қилиш масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кўринади. Меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларни қабул қилиш бир қатор давлат муассасаларининг фаолияти соҳаси ҳисобланади. Мазкур чеклашлар туфайли молия-кредит сиёсатини муваффақиятли юритиш, молия-кредит механизмини аниқ ишлаши учун зарур шароит яратилади.

Режалаштириш, бошқариш ва назорат тизими молия-кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритади. Мазкур тизимининг ўзига хос мавжудлиги тарихий, иқтисодий ва сиёсий шартларга боғлиқ. Унинг таркиби ва тузилиши мамлакатнинг давлат қурилишига мувофиқ белгиланади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичига муайян молия-кредит механизми тўғри келади ва у унинг ўзига хос жиҳатини акс эттиради. Молия-кредит механизми етарли даражада динамик бўлиб, фақат ўзгаришларгагина мойил эмас, балки мунтазам такомиллаштиришга ҳам муҳтождир. Демак, молия-кредит механизмини ташкил қилишда давлат унинг молия-кредит муносабатлари соҳасидаги муайян вазиятларга тўла мос қилишини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим. Бу фақат хўжаликнинг ривожланиш йўллари тўла таҳлил қилиш

натижасидаги мумкиндир ва у бошқарув идораларининг фаолияти соҳасига киради.

Молия-кредит механизми ишлашнинг ўзига хос томонларини тўлиқ кўриб чиқиб, олий таълим молия-кредит механизми тузилишини тадқиқ этишга тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси олий мактаби мустақилликка эришилгунча анча мўрт молиявий базага эга эди., яъни молиялашнинг давлат томонидан амалга ошириладиган биргина йўналиши мавжуд эди. Эндиликда олий таълимни молиялаш соҳасидаги вазият тубдан ўзгаради. Давлат таълим муассасаларини молиялашнинг катта қисмини давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ташкил этади. Ҳозирги пайтда молиялашнинг янги бюджетдан ташқари манбаи вужудга келди.

Бюджетдан молиялашни молиялаштириладиган субъектлар бўйича республика бюджети ва маҳаллий бюджетга, молиялаш усулига кўра бевосита ва билвоситага ажратиш мумкин.

Бевосита молиялаш республика бюджетидан тўғридан-тўғри олий мактабга ажратиладиган маблағдан иборатдир.

Таълим муассасаларининг молиявий ресурслари икки манбадан ташкил топади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ (1.01-расмга қаранг).

Бюджет харажатларининг асосини қуйидагилар ташкил этади: талаба (ўқувчи)лар қабул гранти; талаба (ўқувчи)лар таркиби; ўқув юртлари моддий-техника базасининг ҳажми. Профессор-ўқитувчилар лавозим жадвалини ва тегишли иш ҳақи фондини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талабалар миқдорига кўра белгиланган меъёрдан фойдаланилади.



Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш харажатларнинг моддалари бўйича ажратилган маблағлар юзасидан амалга оширилади.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган тармоқлардаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, молиялаш тартибини такомиллаштириш ва бюджет маблағларидан самарали ҳамдан аниқ мақсадлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги махсус қарор қабул қилади. Ушбу қарорда қуйидагиларни кўзда тутувчи молиялашнинг янги тартиби белгилаб берилади:

➤ бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан тежамли, самарали ва аниқ мақсадли фойдаланиш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;

- бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини соддалаштириш ва мавжуд маблағлардан фойдаланишда энг юқори натижаларга эришиш мақсадида улардан усталик билан оқилона фойдаланишга имконият яратиш;
- норматив бўйича бир йўла молиялаш усули билан бюджетдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;
- бюджетдан молиялашни ўқув юрти ихтисослиги бўйича товарлар ишлаб чиқиш, сотиш, ишлар ва хизматларни бажариш борасидаги фаолиятни кенгайтириш билан уйғунлаштириш;
- ўқув юрти ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самаралилигини ошириш ва кадрлар барқарорлиги учун шароит яратиш;
- таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлувчи ривожлантириш фондидан молиялаш ҳуқуқини бериш;
- режа асосида бюджетдан молиялаш ҳисобига тушадиган ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларида қолувчи тежалган (фойдаланилмаган) маблағлар;
- товар ишлаб чиқариш, сотиш (хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш) ўқув юрти соҳаси бўйича келадиган даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдамлари.

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олувчи ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг ва йиғимларнинг барча туридан озод этиш ва бўшаган маблағларни ўқув юртларининг моддий-техника ҳамда ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек уларнинг ходимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш кўзда тутилган. (2000 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга).

Олий мактаб фаолиятини, хусусан, унинг ташкилий тузилишини тартибга солиш молиялашни такомиллаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бу барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида намунавий лавозим бирлиги фаолият кўрсатишни, маъмурият-бошқарув ходимлари лавозимларига меъёрлар жорий этилганида, таълим муассасалари лавозим жадвалида озод этилган декан, декан муовини лавозими белгиланганида, уларнинг лавозим маоши бюджетдан ажратилишида яққол кўринади. Олий таълим вазирлигида маркетинг хизмати бўлинмаси; барча олий таълим муассасаларида эса маркетинг хизмати бўлинмаси ҳамда академик лицей, касб-хунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича проректор лавозими таъсис этилди, уларнинг ҳам фаолият юритиши бюджетдан маблағ билан таъминланади:

- академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва таълим муассасаларидаги факультетларнинг ўқитувчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш марказлари ташкил этилган.
- Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаларидан фойдаланиш республикада иқтисодий ислохотларни ўтказиш даври таълим молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Бу тадбир умуман дунё миқёсида олий таълимни ривожлантиришнинг объектив қонунияти, фақат ўтиш даври шароити тақозосига кўра Ўзбекистон учун заруратгина эмас.

Таълим муассасаларига фойдаланиш учун давлат мулкнинг бириктириб қўйилганлиги туфайли улар тўлиқ ажралмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида қатнашишлари учун катта имкониятлар очиб беради ва бу энг таъсирчан усул ҳисобланади. Таълим муассасаларига бириктирилган моддий ресурслар негизида тадбиркорлик қилиш бюджетдан ташқари фаолиятнинг муҳим йўналишидир.

Олий таълим муассасаси ўзининг бюджетдан ташқари фаолияти натижасида олган маблағ (асосан, молиявий ресурслар)дан фойдаланишда айниқса кенг эркинликка эгадир. Бу фаолиятнинг самаралилиги таълим муассасалари фаолияти учун мутлақо янги бўлган молиявий бошқариш билан бевосита боғлиқдир.

Бу фаолият Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси томонидан бошқарилади. Иқтисодиёт, тадбиркорлик ҳамда маркетинг хизмати бюджетидан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича ва барча таълим тизими раҳбарларига аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди, вазирлик масъул ходимлари иштирокида иқтисод, тадбиркорлик ва маркетинг хизмати бўйича таълим муассасалари проректорлари учун сайёр семинарлар ўтказди. Ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни уйғунлаштириш, жалб этиш ва сарфлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

Бюджетдан ташқари фаолият асосий турлари қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

Таълим хизмат кўрсатиш соҳаси:

- таълимнинг тўлов-контракт шакли;
- таълим муассасаларига киришга тайёргарлик;
- корхоналар билан шартномалар бўйича мутахассисларни тақсимлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (МОФ ва МОИ);
- иккинчи олий маълумотга эга бўлиш;
- турли бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жадал ўқитиш курсларини ташкил этиш;
- махсус сертификатлар олиш учун курсларда қўшимча таълим олиш (программачилар, бухгалтерлар, аудиторлар ва б.);
- Жисмоний ва юридик шахслар учун пулли консалтинглар ташкил этиш;
- Пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этиш;
- Илимий ишлаб чиқариш фаолияти;
- Хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;
- Консалтинг ва маълумотнома-информациявий фаолияти;
- Минтақаларда юқори аниқликдаги технологиялар билан боғлиқ жорий этишлик фаолияти;
- Илмий жихозлар ва анжомлар лизингини ташкил этиш;

- Давлат муассасалари, ҳудудий бошқарув идоралари ёки тижорат тузилмалари буюртмаси асосида фанлараро мужассама тадқиқотлар олиб бориш;
- Кичик ва ўрта бизнесга илмий-техникавий кўмаклашиш;
- Илмий-техникавий парклар ва янгиликларни жорий этиш инкубаторларини ташкил этиш;
- Тижорат ва ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлар билан якка тартибдаги шартномалар асосида илмий ишларни бажариш;
- Таълим муассасаси олимларнинг кашфиёт ва ихтироларига патент ва лицензиялар сотиш;
- Тижорат фирмалари ва корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари ташкил этиш;
- Чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар тузиш;
- Пулли илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш;
- Таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқий хизматлари рекламасини ташкил этиш;
- Аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;
- Ўзбекистон республикаси қонунчилигида тақиқланмаган илмий-ишлаб чиқариш инновация фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш.

Ташқи иқтисодий фаолият:

- Чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрантлар, тажриба орттирувчилар таълимини ташкил этиш;
- Чет эл олий таълим муассасалари билан биргаликда факультативлар ташкил қилиш;
- Чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш;
- Чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш программаларидан қатнашиш;
- Ўзбекистон талабаларини чет элдаги таълим муассасаларига юбориш;

Тижорат фаолияти:

- Дарслик, ўқув-методик ва илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш;

- Даврий нашрлар чиқариш;
- Реклама фаолиятини ташкил этиш;
- Бўш хоналарни ижарага бериш;
- Хоналарнинг узоқ муддали ижараси (лизинг);
- Таътил вақтида бўш қолган ётоқхоналарни ижарага бериш;
- Конференциялар ва пулли машғулотлар ўтказиш учун конференция заллари, аудиторияларни ижарага бериш;
- Ўқитишдан ташқари ва ишдан ташқари вақтда тантанали маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун ошхоналарни ижарага бериш;
- Талабалар, ходимлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш;
- Умумовқатланишни ташкил этиш;
- Соғломлаштириш муассасаларининг даволаш ва соғломлаштириш хизмати;
- Спорт мажмуалари ёки стадионлар спорт хизмати;
- Маиший хизмат (сартарошлик, кимёвий кир ювиш, пойабзал таъмирлаш ва ҳ.к.)
- Пули болалар боғчаси ёки болалар майдончаси ташкил этиш;
- Тижорат ташкилотларига таълим муассасасининг рамзи ва реквизитларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Хомийлик:

- ҳар қандай шаклдаги мулкка эга бўлган корхона, ташкилот ва фирмалардан хомийлик маблағларини жалб этиш;
- хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш (капитал таъмирлаш, ўқув биноларини безаш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ҳ.к.)
- ускуналарни пулсиз бериш (аудио-видео, компьютер ташкил этиш техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоғозлари ва ҳ.к.);
- кутубхона жамғармасини тўлдириш (дарслик, ўқув қўлланмалар, каталоглар, бадиий адабиёт ва ҳ.к.);
- хорижий инвестицияни жалб этиш (минибосмахона, автотранспорт, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув адабиётлари);

Таълим муассасалари мураббийлик кенгашини ривожлантириш жамғармасини ривожлантириш.

Мураббийлик кенгаши устав мажбуриятларига мувофиқ таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасини шакллантириши мумкин. Таълим муассасаси мураббийлик кенгашининг жамғармаси қуйдагилар ҳисобига ташкил топади:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- кооператив ташкилотлар кўнгилли бадаллар;
- фуқароларнинг кўнгилли хайриялари;
- чет эллик инвесторларнинг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;
- мураббийлар кенгашининг чет эл фирмалари билан қўшма корхоналардаги фаолиятидан келадиган даромадлар;
- тижорат банклари ёки бошқа молия институтлари берган кредитлар;
- мураббийлик кенгаши номига келган бошқа тушумлар.


Шундай қилиб, ҳозирги шароитларда давлат молиялаштириш билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағдан ҳам тўла равишда “кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига мувофиқ олий таълим тизимини ривожлантиришнинг таъсирчан усули сифатида фойдаланилмоқда. Ҳозирги кун ҳақиқати шундаки, таълим муассасасининг озгина бўлсин молиявий ресурсларга эҳтиёжи бюджетдан молиялаш туфайли тўлиқ таъминлаб бўлмайди.

Республикамизда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ олий таълим мутахассисларни тайёрлаш икки босқичда бакалавриат ва магистратурада амалга оширилади. Магистратурадаги ўқув жараёнини ташкил этиш қўшимча молиялашни талаб қилувчи қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Гап шундаки магистрантларнинг илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, илмий-ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиёти асосан яқка тартибда олиб борилиши лозим, бу қўшимча маблағ талаб этади.

Бунинг барчаси қуйдагилар ҳисобига тақчилликни камайтирувчи молиялашнинг кўп йўналишли тизимини жалб этишни талаб қилади:

- молиялашнинг кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан маблағ ажратиш) тизимини жалб этиш;
- моддий қўллаб-қувватлашда донолар ва ҳомийлар аҳамиятини ошириш;
- тадбиркорлик ва бошқа фаолият ҳисобидан ўқув юртларининг даромадини оширишни таъминлаш;
- хусусий, шунингдек, чет эл инвестициясини рағбатлантириш ва жалб этиш.

Айтилган чоралардан биринчилари кўп жиҳатдан ички имкониятлар. Улар ҳозирги кенг ишга солинган ва даромадларнинг муҳим манбалари ҳисобланади ҳамда ўқув юрти барқарор ривожланишини таъминлайди, сўнгги эса (хусусий ва чет эл инвестициясини жалб этиш эса) ташқи имконият. У молиялашда тақчилликни камайтиришда муҳим ўринга эга, аммо, жалб этилиши алоҳида йўл ва ёндашиш талаб қилади.



1.2. Олий таълим муассасаларни бюджет маблағларнинг шаклланиши

Давлат таълим муассасаси бюджет ташкилоти ҳисобланади, ваколатли давлат идоралари томонидан “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ таълим

ва ижтимоий-маданий функцияни амалга ошириш учун тузилади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетин молиялаштирилади.

Кадрлар тайёрлашга бўлган давлат буюртмаси (грант) таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлади, унга асосан таълим муассасасига бюджет маблағ ажратилади. Таълим муассасасининг бюджет тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- ички молия тизимининг методик бирлиги;
- кирим ва чиқимларнинг тўлақонли ҳисоб-китоби;
- ошкоралик;
- раҳбарият даражалари бўйича бюджет ваколатини тақсимлаш.

“Олий таълим тўғрисидаги қоидалар” таълим муассасаси бюджети тамойиллари, даромадларни аниқлаш тартиби, харажатларни тасдиқлаш тартиби ва бошқарув турли даражалари ҳуқуқини тартибга солади.

Таълим муассасасини бюджетдан молиялашнинг меъёрий негизи “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Олий таълим тўғрисидаги қоидалар” ва “Олий таълим тўғрисидаги намунавий қоидалар”да баён этилган. Қонунчилик чекловларидан ташкил топган. Булар таълим муассасаси ички молиявий оқимини тартибга солади ҳамда харажатлар меъёри ва раҳбарлар ҳуқуқини белгилайди. Таълим муассасасининг раҳбарлари белгиланган қоидалар доирасида тартибга солувчи буйруқлар ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Таълим муассасасининг бюджети тегишли қоидалар асосида таълим муассасасига бириктириб қўйилган пул маблағининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бюджет таълим муассасаси учун умумий ёки қисман юридик шахс ҳуқуқи берилган айрим бўлинма учун алоҳида молиявий ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган ички бўлинма учун тузилади.

Бюджет тизимининг учта босқичи фарқланади:

- умумтаълим муассасаси миқёси;
- алоҳида бўлинма миқёсида;
- айрим ишлар, айрим тадбирлар, айрим объект миқёси.

Таълим муассасасини молиялаш учун маблағ давлат тузилмаларидан (давлат маблағ), корхоналар ва хусусий фукаролардан келиши мумкин.

Бюджетни таснифлаш давлат тизими бўйича чиқим ва кирим моддаларини гуруҳлаб амалга оширилади. Таълим муассасаси бюджет тизимининг бирлиги ҳуқуқий негизнинг бирлиги таснифлашнинг ягона тизимидан, ҳужжатларнинг ягона ҳисобот ва режа шаклидан фойдаланиб, умумий бюджетни тузиш учун таълим муассасалари бошқарув даражаси бўйича зарур статистика ҳисоботи тақдим этиш йўли билан таъминланади.

Таълим муассасаси бюджет тизими бирлиги турли даражалар даромадига тушумлардан ва бошқарувнинг анча юқори даражаси мақсадли ҳисоб рақамига тушумлардан ажратмалар белгиланган меъёрлари орқали бюджетлар ўзаро ҳаракати билан чекланади.

Таълим муассасаси бюджет даромадлари, булар маъмурият ёки айрим бўлинмалар раҳбарлари тасарруфига келиб тушадиган пул маблағларидир.

Таълим муассасаси ҳаражатлари, булар таълим муассасаси, унинг бўлинмалари ёки айрим ходимлари эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган пул маблағларидир.

Чиқимнинг киримдан ошиб кетиши таълим муассасаси бюджет тақчиллигини ташкил этади.

Киримнинг чиқимдан ортиқ қисми таълим муассасасининг фойдасини ташкил этади. Таълим муассасасининг фойдаси олиб қўйилиши мумкин эмас.

Давлат буюртмасига мувофиқ ажратилган маблағ ҳаражатлар алоҳида моддалар гуруҳи бўйича чеклаб қўйилади. Маблағни ресурсларнинг турлари бўйича қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Бу стипендия фонди, иш ҳақи, таълим муассасасини ривожлантиришга қўйилган капитал ва жорий ҳаражатларга ажратилган маблағларга тааллуқлидир.

Корхона ва муассасалар таълим муассасасига қайтармаслик шарти билан ускуна ва материалларни, бино ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молиявий ресурсларни бериш мумкин. Таълим муассасаси бу тур маблағларни мустақил тарзда тасарруф этади.

Таълим муассасаси оператив бошқарув шартлари билан ер майдонларидан бинолар, ускуналар ва унга давлат бюджетидан ажратилган, шунингдек корхоналардан ҳамда фуқаролардан ажратилган ёки бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинган барча моддий ресурслардан фойдаланади, уларни тасарруф этади.

Таълим муассасалари олган маблағларига исталган корхонадан ёки хусусий шахсдан ўзи учун зарур бўлган ускуналарни ёки моддий ресурсларни харид қилиши, ижарага олиш, буютма бериш, пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолиятни амалга ошириш учун олинган давлат (нодавлат) маблағлардан фойдаланиш тартибини, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўналтириладиган улушни таълим муассасаси мустақил белгилайди. Шу билан бирга олинган фойда таълим жараёнини ривожлантиришга, шу жумладан, турли илмий-техникавий жамғармалари тузиш ва ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар орқали инвестиция қилиниши мумкин.

Таълим муассасасининг давлат молиявий маблағлари бюджет ҳисоби Молия вазирли, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади, белгиланган қоидалар эса бу маблағлардан мақсадли бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишга йўл қўймайди. Бюджет маблағларидан мақсадли бўлмаган тарзда фойдаланиш бўлиб, уларни олиш шартларига номувофиқ ёки таълим муассасаси ички бюджет тузилиши қоидаларига ҳилоф йўналишларга сарфлаш ҳисобланади. Масалан, бюджет маблағини аввал олинган тижорат кредитини қоплашга йўналтириш молиявий қоидага ҳилоф ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаси стипендия ва иш ҳақи тўлаш учун маблағ тушмай қолганда бюджетдан ташқари манбаларни жалб эта олмайди.

Таълим муассасаси кундалик фаолияти мобайнида бюджет маблағни ректор тақсимлайди, шунингдек, таълим муассасасининг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга лавозимдор шахслари, тўлиқ ёки қисман молиявий

мустақилликка эга таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ҳам бюджет маблағини тақсимлаш ҳуқуқига эгадилар. Лекин мазкур мустақиллик айна мақсад бўла олмайди. Бўлинма ва уларнинг раҳбарлари, мустақилликка эга бўлгач, ҳам ўз бўлинмасининг, ҳам умуман таълим муассасасининг ривожланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Молиявий мустақиллик бўлинма мақсадларини, унинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари шартларини, умуман таълим муассасаси муваффақиятини таъминлаш мажбуриятларини аниқлаштиришни кўзда тутувчи ўқув-илмий фаолият программасини қабул қилиш билан уйғунлашган бўлиши керак.

Таълим муассасаларига бериладиган молиявий мустақиллик молиявий лимитни белгилаш билан мувофиқлаштирилади. Булар айрим бўлинма учун харажатлар чегаравий ҳажми сифатида, фаолият йўналиши ёки харажатлар моддаси сифатида вақт оралиғи бўйича белгиланади. Лимитлар таълим муассасаси ресурслари ёки мақсадли жалб этилган маблағлар асосида белгиланади. Лимитлар бўлинмалар, фаолият йўналишлари ёки харажатлар моддаси бўйича харажатлар ойлик миқдорини чеклаб қўйган тарзда бир йилга белгиланади (бўлинмалар бюджети тақсимоли лимитлари таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади).

Таълим муассасасининг бюджет даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

- қабул назорат рақамларига мувофиқ мутахассислар тайёрлашга бўлган давлат ажратмалари;
- малака оширишни молиялаш;
- мақсадли таълим дастурларини молиялаш
- корхоналар учун қўшма таълим хизматга тўланадиган ҳақ;
- айрим фуқароларни ўқитиш ва уларга қўшимча таълим хизмат кўрсатишга тўланадиган ҳақ;
- таълим муассасаси майдонлари ва ресурсларини ижарага бериш;
- грантлар;

- илмий, консультация ва бошқа таълимий тавсифга эга бўлмаган хизматлар учун тўланадиган ҳақ;
- моддий бўлмаган активларни сотишдан келадиган даромадлар;
- ўз хусусий мулкни ёки таълим муассасасига хусусий қилиб қолдирилган мулкни сотишдан келган даромадлар;
- ўз хусусий мулкни ёки таълим муассасасига хусусий қилиб қолдирилган мулкни сотишдан келган даромадлар;
- бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан олинадиган даромадлар;
- маданий-оммавий тадбирлар ўтказишдан келадиган даромадлар;
- бошқа ташкилотларнинг қайтармаслик шарти билан ўтказмалари.

Таълим муассасаси қўшимча даромади режадан ташқари фойда олганда, булар биринчи галда қўшимча тушумлар ҳисобидан қопланадиган харажатларга, иккинчидан, жорий қарздорликни қоплаш, учинчидан, қўшилмаган ишларга ҳақ тўлаш учун, ниҳоят, узоқ муддатли қарзларни қоплашга йўналтирилади. Қўшимча маблағдан таъминланадиган устувор йўналишлар ва тадбирлар таълим муассасасининг кенгаши ёки унинг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик таълим муассасасининг навбатдаги иқтисодий режасини тайёрлашда келишиб олинади.

Аввалдан режалаштирилмаган янги харажатларга зарурат пайдо бўлса, уларни молиялаш таълим муассасасининг кенгаши қарори билан белгиланади ёки таълим муассасаси бўйича молиялашнинг тартиби ва манбаи кўрсатилган буйруқда қайд этилади. Харажатларни режада белгиланганидан кўпроқ молиялаш зарурати пайдо бўлса, таълим муассасаси бўйича буйруқ билан молиявий текширув ўтказилади, унинг натижасига кўра молиявий қарор қабул қилинади. Бухгалтерия хизмати йиллик бюджет харажатлари режавий рўйхатига кирмаган харажатларни молиялашда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Таълим муассасаси давлат идораларидан олган молиявий маблағларни бошқа юридик шахсларга бериши мумкин эмас, чунки улар мақсадли йўналтирилгандир. Бу шартга амал қилиниши устидан назоратни ваколатли

идора амалга оширади. Таълим муассасаси ўз тижорат фаолиятидан келадиган даромадни қуйидагиларни албатта ҳисобга олган ҳолда ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқи эга:

- маблағдан маҳрум бўлиш ҳолати;
- кутилаётган даромад ҳажми;
- фаолият олиб борилаётган соҳанинг жамият, минтақа ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига мувофиқлиги;
- таълим муассасасини ривожлантириш бўйича тадбирлардан маблағни олиб қўйишдан таълим муассасаси кўрадиган зарар;
- Даромадни таълимни ривожлантиришга йўналтирилмаганлиги учун қўшимча солиқ тўловлари.

Таълим муассасаси маблағини бошқа юридик шахсга бериш ёки бошқа ташкилот устав фондига капитал қўйиш учун албатта таълим муассасаси кенгашининг қарори бўлиши керак.

Мутахассислар тайёрлаш учун давлат буюртмасига тўлов ёки таълим муассасаларига қўшимча ёхуд бошқа хизматларга тўлов тарзида ўтказиладиган маблағ қуйидаги кетма-кетлик тартибида умумтаълим муассасаси тадбирлари ва таркибий бўлинмалари бўйича тақсимланади:

- Аниқ давлат ва нодавлат молиялашни башоратлаш;
- Манбалар бўйича маблағ тушишини баҳолаш;
- Таълим муассасаси фаолияти устувор йўналишини танлаш;
- Меҳнатга ҳақ тўлаш ва стипендия тўловлари режавий ҳаражатларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- Ҳудудни ободонлаштириш, биноларни ораста сақлаш, умуминститут аҳамиятига эга тармоқ ва бошқа объектлар бўйича ишларни режалаштириш;
- Бошқарув хизмати ва ёрдамчи таркибий бўлинмалар хизмати стандарт мажмуи қийматини белгилаш.

Марказий субҳисобга тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар уч қисмга бўлинади: умумтаълим муассасаси тадбирларини қўллаб-қувватлаш;

бошқарув ва таъминот хизмати; асосий таркибий ўқув бўлинмалари (факультет, кафедралар).

Республикада давлат ташкилотлари учун белгиланган харажатлар функционал таркибга мувофиқ шакллантириладиган бюджет ўз ичига қуйидагиларни олади:

- режадаги ёки ҳисобот даври оралиғидаги вақт мобайнида ташкилот фаолият кўрсатишни таъминловчи жорий харажатлар;
- ташкилот ривожини таъминловчи капитал харажатлар;
- бошқа ташкилотлар билан молиявий муносабатларни таъминловчи кредитлар бўйича тўловлар.

Қуйидагилар жорий харажат унсурлари ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:
- ходимлар асосий маоши;
- иш ҳақиға устама;
- меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;
- лавозимдан ташқари ходимларга ҳақ тўлаш;
- ходимларга бошқа пул тўловлари;
- иш ҳақиға ўтказиш, шу жумладан:
- давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар;
- пенсия фондига бадаллар;
- мажбурий тиббий суғурта фондига бадаллар;
- давлат бандлик фондига бадаллар;
- таъминот предметлари ва сарфланадиган материаллар сотиб олиш, шу жумладан:
- девон ашёлари;
- юмшоқ инвентар;
- бошқа сарфланадиган материаллар;
- хизмат сафари ва хизмат қатнови;
- транспорт хизматига тўлов;
- алоқа бўйича хизмат тўлови;

- маиший хизмат тўлови;
- бошқа хизматлар тўлови, шу жумладан:
- бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;
- жиҳозлар ва инвентарни жорий таъмирлаш;
- жиҳозлар ва инвенторни жорий таъмирлаш;
- қарзлар бўйича фоиз тўлови;
- аҳолига трансфертлар, шу жумладан:
- моддий ёрдам тўловлари;
- стипендиялар;
- овқатланиш учун тўловлар;
- ёзги дам олишга ажратиладиган тўловлар;
- бошқа трансфертлар.

Капитал ҳаражатлар жиҳозлар сотиб олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашларга сарфлардан шаклланади.

Капитал ҳаражатларнинг қисмларга ажратилган унсурлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- жиҳозларни сотиб олиш, шу жумладан:
- ишлаб чиқариш жиҳозлари
- ишлаб чиқаришга алоқасиз жиҳозлар;
- капитал қурилиш, шу жумладан:
- турар жой;
- ишлаб чиқариш объектлари;
- ижтимоий-маданий ва маиший хизмат мақсадидаги объектлар;
- капитал таъмирлаш, шу жумладан:
- турар жой фонди;
- ишлаб чиқариш объектлари;
- ижтимоий-маданий ва маиший хизмат объектлари;
- маъмурий объектлар;
- ер ва номоддий активлар сотиб олиш, шу жумладан:
- ер;

- номоддий активлар.

Ташкилот молиявий алоқаларида кредитлар ва улар бўйича тўловлар кўзда тутилади фаолият бу соҳасини акс эттирувчи ҳаражатларнинг унсурлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- кредитлар бериш;
- кредитларни қайтариш.

Бюджетдан фойдаланиш самарасини ошириш олий таълимни молиялаш тизимини такомиллаштиришнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан билим даражасини ошириш, молия маблағларини шакллантириш ва сарфлашнинг самарали шакли ва тартибидан фойдаланишни, уларни амалда жорий этишни ошириш айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларини бюджетдан молиялашнинг тартиби бюджетларни тузиш ва улардан фойдаланиш ягона қондаси эга бюджет тизими ўзаро боғлиқлигига асосланган. Бюджетдан молиялаш манбаига кўра таълим муассасалари республика миқёсидаги ва маҳаллий тасарруфдаги муассасаларга бўлинади. Олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бир қисмини молиялаш республика бюджетидан амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар, ҳали махсус таълим юртлари молияланади. Олий ва ўрта касбий ўқув юртларининг молиялаш ҳар бир ўқув юрти тури бўйича давлат белгилаган меъёрга мувофиқ амалга оширилади. Бу тур ўқув юртларини молиялаш тизими икки манбадан ташкил топади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида таълим муассасалари молиялашнинг янги тартиби ҳаражатлар моддалари бўйича маблағ ажратишга ўтказилди. Жорий этилган бу янги тартиб улар мустақиллигини кенгайтирди ва шу билан бирга, масъулиятини ҳам оширди. Бундан ташқари молиялаш тартибини соддалаштириб, ўқув юрти ходимлари меҳантини рағбатлантириш учун шароит туғдирди.

Меъёрлар бўйича ягона рўйхатдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ривожлантириш фондини шакллантириш ҳуқуқини берди:


- режавий бюджетдан молиялаш ҳисобига тушадиган тежалган ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилоти ҳисоб рақамида қолган маблағ;
- ўқув юрти соҳасига оид фаолият бўйича товар ишлаб чиқариш ва сотишдан келган даромад;
- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган, беғараз, хомийлик ёрдами.

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олган ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган барча солиқ ва йиғимлардан (2000 йил 1 январ, беш йил муддатга) озод қилиш кўзда тутилган. Ҳоли қолган маблағ мақсадли йўналтирилиб, ўқув юртининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилади.

Ўзбекистонда академик лицейлар ва касб коллежлари тармоғини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида “1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб коллежлари моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаш программаси” қабул қилинди. Унга кўра 2010 йилда 1600 академик лицей ва касб-коллежи ишга тушиши керак. Буларда 1,5 млн. Болалар ва қизлар таълим олади. Бюджетдан ажратмалар, маълум даражада бюджетдан ташқари жамғармалар, корхона ва ташкилотлар, хомийлар, чет эл кредитлари мазкур дастурни молиялашнинг асосий манбалари ҳисобланади. Чет эл инвестициясини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, иқтисод ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун қуйи бўғин мутахассислар тайёрловчи касб коллежларини жиҳозлаш учун Осиё тараққиёт банкидан 150 млн.АҚШ доллари, OESP (Япония)дан 200 млн.

АҚШ доллари, EDCF (Корея)дан 35 млн. АҚШ доллари миқдори инвестиция кутилмоқда.

Ўзбекистондаги таълим тизимини молиялаштиришга кетадиган харажатларнинг ўсиш динамикаси №1- жадвалда кўрсатилган.



Жадвалдан кўриниб турибдики, таълимга харажатлар республикада оша бориб, ривожланган тараққий этган мамлакатлардан анча юқори (масалан: Исроилда ЯИМ улущнинг 17% ини ташкил этади, бошқа давлатларда эса 5%дан ошмайди. Россияда эса 3%).

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш доирасида куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган;

- ўқув юртларини замонавий ўқув мебеллари, жиҳозлари, ашёлар ва аппаратлар билан таъминлаш;
- республикасида ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ўқув юртларини техникавий, программавий ва дидактик таълим воситалари билан жиҳозлаш саноатини барпо этиш;
- жаҳон даражасидаги таълим стандартларига эришиш;
- таълим муассаси ихтисослиги бўйича юқори малакаси кадрлар тайёрлашга имкон берувчи, айниқса, таълим муассасалари таркибидаги академик лицейлар негизида таълимнинг янги шаклларини тадбиқ этиш;
- узлуксиз таълим тизими молиялаш-иқтисодий негизини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатидаги таълим вазифаларини ҳал этиш устуворлиги.

Иқтисодиётни барқарорлашуви жараёнида республикамизда 2011 йилда халқимиз фаровонлигини ошириш, барча соҳаларда бўлгани каби,

олий таълим муассасаларини ҳам модернизация ва янгилаш жараёнларини янада моделлаштириш учун муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Жорий йилнинг 1-чорагида иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларига оид ва турлича билим даражасига эга кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида олий таълим муассасаларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқариш ва амалиётда тадбиқ этиш, шунингдек малакали кадрлар тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

Олий таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу йилнинг 1-чораги давомида умумий ҳажми 18 млрд. сўмлик маблағлар ўзлаштирилди.

1.3. Олий таълим муассасаларининг молиялаш бўйича чет эл тажрибаси

Иқтисодий ривожланган чет эл мамлакатларида олий таълимни молиялашнинг ҳажми ва усуллари бир қатор омилларга кўра белгиланади:

- мамлакат иқтисоди ривожланганлик даражаси;
- олий таълим олдида мамлакат ва унинг раҳбари қўядиган вазифалар;
- миллий анъаналар;
- олий таълим муассасаларини тузиш, ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги.

Фақат мана шу ҳолатлар барчаси ҳисобга олинган ҳолдагина таълим муассасасини молиялашнинг миллий модели шаклланади.

Япония, масалан АҚШ, Канада ва Швециядаги каби барча учун баробар бўлмаган, аксинча олий мақомдаги олий таълим моделига эга, давлатнинг ЯИМдаги таълимга бўлган ҳаражатлари улуши сезиларли даражада паст. Олий таълим АҚШ, Канада ва Швецияда ҳамма учун очиқ, лекин бу мамлакат раҳбарининг сиёсати, бу миллий анъана. Агар Европа мамлакатлари, хусусан Франция, Германия олий мактабни бюджет ҳисобидан сезиларли даражада молиялаб ва давлат томонидан назорат қилиб,

бозорнинг таъсиридан ҳимоя қилса, АҚШда олий таълим анъанавий тарзда федерал ҳукуматдан мустақил, бозор тузилмалари билан мунтазам алоқада, ҳатто давлат таълим муассасалари ҳам пулли. Бироқ қуйидаги жадвал маълумотлари кўрсатадики, АҚШнинг олий таълимга ҳаражатлари, шундай оқилона даражага эришганки, ундан ошиб кетса, таълим муассасаси мухторлиги ва ташқи ўзгаришларга бўлган акс таъсири шубҳа остида қолади. Буюк Британия, АҚШ ва Франция университетларидаги таълим даромадлари манбаининг тузилиши (%да)

№	Манбалар	Англия	АҚШ	Франция
1	Давлат ҳаражатлари			
	Жами:	85,5	51,1	99,0
	Шу жумладан:			
	Марказлаштирилган	84,0	16,5	96,2
	Штатларнинг ҳаражатлари			
	Маҳаллий			
2	Хусусий компаниялар ва хайрия ташкилотларининг ҳаражатлари	2,5	6,9	-
3	Ўқувчилар ва улар оилаларининг ҳаражатлари	8,5	20,3	1,0
4	Таълим муассасаларининг ўз даромади	-	11,4	-
5	Бошқа манбалар	4,0	10,4	-

Ғарб мамлакатлардаги университетларда, қоидага кўра, молиялашнинг уч асосий манбаи бор, таълим фаолияти билан боғлиқ сарфлар шулардан қопланади. Ҳукумат гранти, талабалардан таълим учун олинадиган ҳақ, тижорат фаолияти туфайли олинадиган даромадлар ана шу уч манба ҳисобланади. Турли мамлакатларда улар нисбатан турлича бўлиб, вақт-вақти билан ҳар бир мамлакатда бу нисбат ўзгариб туради. Таълим муассасаси талабаларининг ўзлари ҳам кундалик сарф-ҳаражатларини ўзлари кўтардилар. Бунинг учун қуйидаги имкониятлар мавжуд: ота-оналарининг маблағи; ҳукуматдан олинган индивидуал грант; талабаларга тарқатиладиган махсус займлар; қўшимча даромадлар. Шунини таъкидлаш жоизки, тизимдан, жамиятдан ёки қайси мамлакатлигидан қатъий назар чиқимлар у ёки бу

тарзда қуйидаги тўрт манбадан олинishi мумкин: ота-оналар, талабалар, солиқ тўловчилар ва таълим муассасаси. Юқорида қайд этилган молиялаш манбалари икки гуруҳга ажралади: давлат ва хусусий.

Кўпгина чет эл мамлакатлари бюджетни мувозанатлаштириш мақсадида давлат харажатлари ҳажмини қисқартиришга ҳаракат қилади. Ҳатто Ғарбий Европада молиялаш ҳукумат грантидан очик-ойдин олий ўқув юртининг тижорат фаолиятидан ёки таълим учун тўловдан келадиган даромад томон силжимоқда. Германия каби мамлакатларда таълим учун тўлов амалда номинал тарзда, Буюк Британияда эса анча сезиларли даражада, лекин кўпчилик мамлакатларда бу харажатларнинг оғирлиги талаба истиқомат қиладиган туман ёки шаҳар ҳокимияти зиммасига тушади, ҳукумат таълим муассасаларига таълим учун мустақил ҳақ белгилашни таъқиқлайди. Ҳозирги пайтда бу тизим ўзгаришга учрамоқда ва тез орада кўпгина ғарб мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлашни таълим муассасаларининг ўзлари белгилайди ва молиялаш асосан талабалар томонидан амалга оширилади. Мўлжал қилишларича, бу ҳол таълим даражасини кўтаришга имкон беради, чунки талабалар ўзлари танлаган ўқув юртларига юқори талаб қўядилар, улар эса, ўз навбатида таълим жараёнига юқори эътиборни қаратадилар. Ҳамон талабалар олий тизимида асосий таълим хизматини талаб қилувчилар экан, келгусида ўз иш ҳақларини ошишини кутишлари мумкин, бутун дунёда таълим харажатларини улар ўзлари молиялашларини адолатли ҳисоблайдилар. Ўртача олганда анча юқори меҳнат унумдорлигини ва умуман аҳоли анча юқори даромадини таъминловчи меҳнат ресурслари таълим даражасини ошириш ҳисобидан жамият фақат ютади, бу таълимга кетадиган харажатлар бир қисмини ҳукумат молиялаши маъқул эканлигининг яққол далилидир. Амалда, кейинчалик мунозаралар ҳукумат ва талабалар (уларнинг ота-оналари) томонидан тўланадиган бадалларнинг адолатли нисбатида жамланади. Кўпгина ғарб мамлакатларда ҳозирги пайтда бу нисбат кўпроқ талабалар ҳисобидан молиялаш ва камроқ ҳукумат ҳисобига бўлиш томон оғмоқда.

Шундай қилиб, талабаларни индивидуал тарзда бюджетдан молиялашнинг пасайиши юз бермоқда, бу ўз навбатида талабалар эндиликда таълим харажатлари кўп қисмининг ўз зиммаларига олишлари керак деганидир.

Баъзи мамлакатларда талабаларга кредит бериш ривожланмоқда. Талабала учун молиявий вазиятни кескинлаштиришнинг оқибат натижаси ўз таълими учун харажатларнинг бир қисмини ўз иш ҳақлари ҳисобидан молиялашга интилиш бўлди. Бу ўқув муддати узайишига ва таълимнинг анча мослашувчан моделига талабнинг юзага келишига таъсири сезилмоқда. Аммо, таълим учун талабалардан олинадиган ҳақ, ҳатто, АҚШдаги давлат таълим муассасаларидаги таълимга сарфларнинг фақат 20%ини қоплайди, холос (хусусий ўқув юртларида 33%). Қолган сарфлар давлат ва хусусий бўлган манбалардан молияланади. Кўпгина мамлакатларда олий таълимни давлат молиялашини лимитловчи бюджет тақчиллиги йилдан йилга сақланиб қолмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларига молиялашнинг қўшимча манбаларини излаб топиш ҳуқуқи берилади ва бунда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Тижорат фаолияти қуйидаги турли шаклда олиб борилади:

- университет майдонлари ва жиҳозларидан конференциялар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказишда фойдаланиш;
- таълим муассасалари кўрсатадиган хизматлар ёки уларга тегишли ердан фойдаланувчи фирмаларни тузиш;
- Таълим муассасаси мутахассисларининг тижорат компанияларига консультациялар бериш;
- Аҳолига қўшимча таълим хизмат кўрсатиш;
- Буюртма илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва б.в.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботи қонунийлигини таъминлаш учун фаолиятнинг бундай тури таълим муассасаларига тўла тааллуқли бўлган тижорат фирмалари томонидан олиб борилмоқда. Университетларга даромад келтирувчи смарали тизимни барпо этиш йўлида амалий қийинчиликлар, масалан, фойдани таълим муассасалари ва фирмалар ўртасида тақсимлаш

вужудга келади. Маълумки, агар университет фойдасининг ҳаммасига эга чикса, бундай университетда ҳеч ким фирма очмайди. Таълим муассасаларига тижорат фаолиятдан келадиган фойда қайта инвестицияга йўналтирилса, бундай ҳолларда таълим муассасаларига бериладиган солиқ имтиёзи сезиларли аҳамият касб этади.

Бино, лаборатория, кутубхона, компьютер маркази қўшимча сарфларсиз ва профессор-ўқитувчиларни қўшимча жалб қилмай талабалар қабулини ошириш таълим муассасалари самарадорлигини оширишнинг энг осон йўли ҳисобланади. Буни фақат таълим муассасасининг жалб этилган ходимлари маъқуллагандагина оқлаш мумкин. Бироқ, кўпгина университетларнинг ўқитувчи-профессорлар таркиби илмий-тадқиқий фаолиятда қатнашадилар ёки тадқиқот институтлари билан боғланганлар, бундай ёндашув чекланган имкониятга эга. Объектив сабабларга кўра университетнинг бошқа функцияларини чекламай туриб ўқитувчилар юкласини ошириш мумкин эмас: талабалар сони фақат қўшимча ресурслар ҳисобигагина оширилиши мумкин. Мана шунинг учун, масалан, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда 60-йилларда таълим тизими жуда қимматга тушган усулда кенгайтирилади мутлақо янги таълим муассасалари (асосан университетлар) бунёд этилади.

Анча кейинроқ қуйидаги тадбирларга асосан мутахассислар етиштиришга эътибор қаратилди:

- курслар муддатини қисқартириш;
- академик йилни, ёзги таълимни ҳам қўшиб, ошириш;
- сиртқи ва кечки таълимни анча кенгайтиришдан фойдаланиш;
- Катта гуруҳларда маъруза ўқиш ва кўп сонли ўқитувчиларни талаб қилмайдиган паметер таълимини қўшиб олиб бориш;
- масофавий ўқитишдан анча кам фойдаланиш.

Бу тадбирлардан кўплари ҳали кўриб чиқиш ёки илк жорий этиш босқичида, лекин уларнинг муҳокама этилишини ўзиёқ Фарбдаги расмий фикр қайси йўналишда ривожланаётганини кўрсатади. Шунга шубҳа йўқки,

баъзи мавжуд ёндашувлардан тезда бошқа давлатларда ҳам кенг фойдаланилади. Шуниси аёнки, етарлича ресурслар билан ёрдам бермай таълим муассасаларига самарадорликни ошириш учун тазйиқ ўтказиш ҳам таълим, ҳам институтлардаги тадқиқотлар сифатининг пасайиш эҳтимолини оширади. Мана шунинг учун самарадорлик анча тез суръатлар билан ошиб бораётган мамлакатларда вақт-вақти билан ҳам таълим, ҳам илмий жараёни баробар баҳолашга ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Буюк Британияда, масалан, бундай баҳолашлар натижасида таълим муассасаларига уларни яхшилаш хусусида тавсиялар берилибгина қолмай, балки бюджет соҳасида ҳам маълум силжишлар юз берди. Хусусан, бунда барча таълим муассасаларни рейтинг асосида баҳолаш амалга оширилмоқда ва ҳар йили бир тоифадаги университетлар гуруҳини миллий даражалаш жадвали эълон қилинади. Юқори рейтингга эга таълим муассасалари ёки таълим сифати учун анча юқори балл олганлари қўшимча молиялашга сазовор бўладилар.

Бюджет маблағи ҳаддан зиёд тежаладиган Япония тажрибасига мурожаат этайлик. Япония таълим тизими мамлакат умум бюджети учун нисбатан арзон тушмоқда. Япония ҳукуматининг таълимга қиладиган сарфи ялпи миллий маҳсулотнинг 5,56%ини ташкил этади, АҚШда бу кўрсаткич 7,1%ини, Буюк Британияда эса 7,7%ни ташкил этади. Шунга қарамай япон ўқувчилари ва талабалари кўпгина кўрсаткичлар бўйича бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан ўзиб кетган. Кўринадикки, япон таълим тизимининг асосий устунлиги иқтисодга институционал ўзига хосликка, хусусан, давлат ва хусусий шўъба нисбатига ва ўқув юртларини молиялашнинг ўзига хослигига бориб тақалади: нодавлат шўъбанинг аҳамияти бошланғич таълимдан олий таълимга томон ошиб боради.

Японияда олий таълим элитар, яъни барча ҳоҳловчиларга очиқ эмас. У ҳам давлат, ҳам хусусий таълим муассасаларига таянади. Япония ҳукумати таълим соҳасини олий мактаб тизимида қолдиради: давлат университетлари, асосан, табиий-илмий, муҳандислик фанлари бўйича мутахассислар

тайёрлаш билан шуғулланган ва шуғулланмоқда; нодавлат университетлар, коидага кўра, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш ихтисослашган. Кўрамизки, давлат кўп сарф талаб этадиган ихтисосликка эга бўлишни таъминлайди маълумки, замонавий муҳандисни тайёрлаш, айтишлик ҳуқуқшунос ёки иқтисодчини тайёрлашдан кўра қимматга тушади. Шундай қилиб, таълим тизими таълим тизимидаги бозорнинг ноқобиллидан ўзини муҳофаза қилади. Ваҳоланки, хусусий таълим муассасалари кўп сарф талаб ва назарий фанлар билан боғлиқ ихтисосликлар олишни қўйилган бошланғич маблағлар қайтмаслиги хавфи туфайли имконият яратмай қўйиши мумкин.

Давлат таълим стандартларини шундай белгилайдики, нодавлат шўъбасида ҳаражатлар минимал даражага келади, бу таълим учун ҳақни пасайтиради, нодавлат олий таълимига талабани оширади. Оқибат натижада нодавлат университетларининг сони кўпаяди. Бунга дотация сиёсати ҳам қиммат тушмайдиган ихтисосликка ўқитиш учун лицензия бериш ва ўқитувчи малакасига талаб анча паст эканлиги ҳам кўмаклашади. Бу иш ҳақини тежаш, хусусий университетларда битта ўқитувчига тўғри келадиган талаблар миқдори кўп бўлишига имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, япон таълим тизими ўз муваффақияти учун ҳам ҳукумат бошқарув тузилмаси даражасидаги, ҳам давлатнинг ўзидаги ва нодавлат ўқув юртларидаги менежментлик маданияти юқорилигидан миннатдор бўлса арзийди.

Таълим муассасаларини молиялашнинг асосий манбалари (давлат ва хусусий манбалар)га қайтиб олий таълим тадқиқотлари консорциум ва ЮНЕСКОнинг Олий таълим бўйича Европа маркази (СЕПЕС) экспертлари фикрини келтириш ўринлидир. Улар соф давлат ёки мутлақо хусусий тарзда таълим муассасаларини молиялашдан кўра аралаш молиялаш анча самарали ҳисобланди, деган хулосага келганлар. Бу ҳам давлат, давлат, ҳам хусусий таълим муассасалари учун бирдек самаралидир. Шу маънода АҚШ таълим муассасаларини молиялаш тизими эътиборга молик.

Тарихан Америкадаги илк коллежлар хусусий корпорациялар тарзида шаклланган. Улар давлатдан мутлақо мустақил тарзда ўз таълим сиёсати, стандартлари ва тартибларини ишлаб чиққанлар. Аммо иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда давлат таълим муассасаларидаги талабалар миқдори муттасил ошиб боради. Агар 1950 йилда бирга талабаларнинг 49% и хусусий коллеж ва университетларда таълим олган бўлса, кейинчалик давлат маҳаллий коллежлари тармоғининг кенгайиши туфайли нисбат ўзгаради: давлат таълим муассасаларидаги талабалар улуши 78% дан ошади.

Олий маълумот тўғрисидаги диплом берувчи АҚШдаги 3500 таълим муассасасининг ярмидан кўпроғи хусусий корпорация, масъулият ҳомийлар зиммасига юклатилган бўлиб, улар машҳур собиқ битирувчилар ва бошқа филантропик ёрдам кўрсатувчилардан иборат. АҚШдаги машҳур тадқиқот университетларининг кўпчилги Гарвард, Сэнфорд, Стел, Чикаго университетлари ва бошқа ном қозонган коллежлар, хусусан, Амхерстдаги, Уилямсдаги, Каретондагилар хайрияларнинг сезиларли қисмини оладилар ва юқори мавқега эгадирлар. Бу улурга таълим учун юқори даражада ҳақ олиш имконини беради (90-йиллар бошида 20 минг доллардан юқори бўлган).

Кейинги ўн йилликларда АҚШдаги хусусий таълим муассасаларининг сони давлатга қарашлиларникидан кўра тезроқ ошиб борди, аммо, улардаги талабалар сони, биринчи галда, таълим учун ҳақ юқорилиги, шунингдек, давлат таълим муассасаларида ҳам айна бир хил диплом олиш мумкинлиги туфайли қисқариб кетади. Бундан ташқари, АҚШ хусусий таълим муассасалари ўз ҳажмига кўра давлатникидан анча кичикдир.

Америка таълим муассасаларини молиялаш беш асосий манбадан амалга оширилади:

- федерал бюджет, штат бюджет ва маҳаллий ҳокимиятдан ажаратиладиган маблағлар;
- таълим ва хизматлар учун талабаларнинг тўловлари;
- таълим муассасасининг ўз фаолиятидан оладиган даромадалари;
- филантропик ташкилотлар ва айрим хусусий шахслар хайриялари;

➤ хусусий ташкилотлари ва шахслар тузган махсус жамғармаларда тўпланган маблағлардан фоизлар.

Давлатнинг олий таълимга ёрдами таълим муассасаси умумий даромадининг ўртача 40-45% ни ташкил этади ва қуйидагича тақсимланади: федерал ҳукумат бюджетидан 10-15%, штатлар бюджетидан 25-30%, маҳаллий ҳокимият бюджетидан 2-5%.

Федерал ёрдам, америкалик мутахассислар хулосаси бўйича фойда олиш мақсадида эмас, балки зарурат туфайли шаклланган ва ҳозирги даражасига таълим бевосита миллий манфаатларга хизмат қилиш ва миллий кадриятининг аҳамиятли унсури эканлигига кўра эришади.

Шуни айтиш жоизки, олий таълимнинг давлат ёки хусусий шўъбаси кўп ёки кам самаралилиги хусусида бирдек маълумот ва далилларни учратиш қийин.

Хусусий таълим муассасаларига нисбатан кўпроқ эгалик қилувчи мамлакатлар ҳам асосан давлат таълим тизими шаклланган давлатлар эришган натижаларни қўлга киритмоқда ва аксинча, хусусий таълимнинг кенг тарқалиши на иқтисодда на таълим соҳасида анча қониқарли натижаларга олиб келяпти.

Таълимнинг ижобий натижалари, одатда, ташкилий тарздаги олимлар билан боғлиқдир. Муаммо шундаки, хусусий шўъба динамизмини жорий этишга муваффақ бўлиш учун давлат таълим тизими бошқаруви, йўл қўйилмаган ҳолда, демократик тавсифини йўқотишга тўғри келади. Бу муаммо таълим муассасалари мухторияти, улар фаолияти натижалари устидан нозорат тўғрисидаги масалага яна қайтишни тақозо этади.

Шундай қилиб, кейинги ўн йилликлардаги мумтоз университетлар умумжаҳон йўналиши олий таълим иқтисодидаги қуйидаги умумий йўналишни белгилаш имконини беради:

Европадаги кўпгина мамлакатларда кейинги бир неча йиллар мобайнида нисбатан, айрим жойларда, мутлақо олий таълимни

молиялашнинг пасайиши юз берди. Бу ҳол Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги умумий иқтисодий пасайиши билан боғлиқ. Дунёдаги йирик университетларнинг барчаси ўз сарфларини фақат ижтимоий соҳалардагина эмас, балки ўз профессорларини хизмат сафарига юбориш ва таклиф этилганларни қабул қилишда ҳам қисқартирмоқдалар. Масалан, Германиянинг фахри бўлган Гейделберг университети барча ўқув-илмий лабораторияларини мунтазам таҳлилини, у университетга қандай фойда келтириши нуқтаи назаридан ўтказди (ўзини оқламаган айрим лаборатория ёпилади).

Ривожланган мамлакатлар кўпчилигининг таълим муассасалари давлат томонидан молияланадиган ўқув-илмий ва маданий марказдан тобора кўпроқ, корхона барча хусусиятига эга бўлган бозор иқтисодиётининг иқтисодий субъектига айланмоқда; шу жумладан, таркибий бўлинмалар самаралилиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш олиб борилмоқда; университетларда таълимнинг қўшимча иқтисодий жиҳатидан фойдали бўлган турли шаклларининг сони кўпаймоқда, илмий тадқиқотлар эса тобора амалий хусусият касб этмоқда ва фирмалар ёки хусусий жамғармалар томонидан молияланмоқда; таълимнинг турли шаклларида мутахассислар тайёрлаш таннари бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда, таълим учун ҳақ тўлашнинг табақалаштирилган вариантлари кўриб чиқилмоқда.

Таълим муассасалари таклиф этаётган қўшимча таълим хизматининг кескин ўсиши, шу жумладан таълим муассасасини тугатгандан кейин ҳам таълим хизмати кўрсатиш. Бу жараёни давлат ҳам рағбатлантирмоқда, чунки юқори малакали мутахассисга эҳтиёж юқоридир, бундан нодавлат шўъбаси ҳам манфаатдор, чунки ўз ходимлари малакасини ошириш эҳтиёжи учун ҳам сезиларли даражада ошмоқда. Таълим муассасалари ҳам, хусусан, иқтисодий жиҳатдан, қўшимча таълим кўрсатиш тизимини ривожлантиришдан манфаатдор АҚШда, масалан, таълим муассасалари

диплом олгандан кейинги таълим ва қўшимча таълим хизмат кўрсатишдан бакалавриатдан келадиган кўра кўпроқ даромад оладилар.

Таълим муассасаларининг тобора кўпроқ мухтор бўлишга интилиши, хусусан, шундай асосланади, яъни таълим муассасалари борган сари давлат томонидан камроқ даражада, кўпроқ эса таълим муассасаси ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига молияланмоқда, бу давлат томонидан назоратнинг кучайиб бориши билан мутаносибланмоқда. Таълим муассасаси фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш тартиби яратилмоқда. АҚШда давлат, масалан, аккредитацияланган турли (касбий ёки ҳудудий) агентликлар ишини рағбатлантиради, Францияда таълимни баҳолаш бўйича махсус миллий қўмита тузилган.

II-БОБ НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Наманган муҳандислик-педагогика институти давлат бюджетидан молиялаштириш таҳлили

Ҳозирги пайтда олий таълим тизимини молиялаштиришда давлат бюджетининг салмоғи каттадир. Институтимизнинг молия ресурслари иккита манбадан ҳосил бўлади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига.

Бюджет харажатларини ҳисоблашда талаба (ўқувчи)лар қабул қилиш гранти: талаба (ўқувчи)лар миқдори; таълим муассасаси моддий-техникавий негизининг ҳажми асос қилиб олинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби ва тегишли маош фондини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талаба сони кўрсаткич сифатида фойдаланилади.⁹

Бюджет маблағидан фойдаланиш устидан назорат харажатлар моддаси гуруҳлари бўйича маблағ ажратиш йўли билан амалга оширилади.

ОТМ лар фаолиятини тартибга солиш, хусусан, улар ташкилий тузилмасини, молиялашни такомиллаштиришнинг муҳим шартидир. Институтимизда намунавий лавозимлар фаолият кўрсатади, олий таълим муассасаларининг ўзида ва улар қошидаги ётоқхоналардаги маъмурий-бошқарув ходимлари лавозимига меъёрлар жорий этилган, НамМПИнинг лавозим бирликларида озод қилинган декан ва декан ўринбосарлари бирлиги ажратилган, уларга лавозим маоши белгиланган бўлиб, булар бюджетдан таъминланади. Олий таълим вазирлигида маркетинг хизмати бўлинмаси ташкил этилган, барча олий таълим муассасаларида эса маркетинг хизмати қисмлари мавжуд, шу жумладан институтимизда бюджет маблағи ҳисобидан молиялаш таъминланган.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 164-сонли қарор Иқтисодий ахборотнома 2010-йил 18-июнь 119-сон

Республикамизда иқтисодий ислохотлар ўтказиш даврида таълимни молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бўлиб, бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу чора олий таълимни жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг объектив қонунияти ҳисобланади, бу ўтиш давридаги шарт-шароит тақозосига кўра фақат Ўзбекистондаги зарурат эмас.

Олий таълим муассасаларига, уларга давлат томонидан бериб қўйилган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи таъсирчан йўлларида биридир. Бу уларнинг берилган мулкдан тўлиқ бегоналашмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига катта имкониятлар очади.

Олий таълим муассасасига бириктирилган моддий ресурслар негизидаги тадбиркорлик бюджетдан тайёрлашнинг муҳим йўналишидир.

Таълимнинг янги модели, бозор иқтисодига ўтиш таълим молия-иқтисод механизмини шакллантириш, хусусан, бюджетдан молиялашга бюджетдан ташқари манбадан қўшимча қилишни ва жиддий ўзгаришларни талаб қилади. Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларини молиялашнинг қўшимча бюджетдан ташқари манбаларини жалб этишдаги фаолиятига тобора эътибор берилмоқда.

Давлат таълим дастури ва стандартлари доирасида таълим хизмати кўрсатиш олий мактабга маблағ тушадиган манба ҳисобланади. Бу—олий таълим муассасаларига пуллик қабул, мутахассислар тайёрлашдир. Мазкур ишни амалга ошириш корхоналар, ташкилотлар ва мулкнинг барча турдаги муассасалари билан шартнома тузиш асосида олиб борилади, бу иқтисодий тавсифдаги кўплаб масалаларни, хусусан, пул ўтказиш муддати, унинг миқдори, ҳаражатлар ва уларни қоплаш, пул маблағи сарф-ҳаражатлари моддаси, шартномаларни юридик тўғри расмийлаштирилиши, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шартномага амал қилмаслик жавобгарлиги, “пул тўлайдиган” ва “тўламайдиган” талабалар ўртасидаги муносабатни ҳисобга олиш ва ҳ.к. ни ҳал этиш билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлашуви, мутахассислар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимига ўтиш, таълимнинг турли босқичларини молиялашга янгича ёндашиш ишлаб чиқилган. Бу мутахассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялашнинг умумий йўналишини очиб беради, у қуйидагичадир: касбий тайёргарлик даражаси канча юқори бўлса, унинг учун шунча катта улушини бюджетдан ташқари молиялашни ўз зиммасига олиши керак.

Олий ўқув юртини молиялашнинг яна бир бошқа манбаи таълим учун ўқиётганларнинг ўзи ҳақ тўлашидир.

Институтда тўловнинг турли шакллари жорий этиш масаласини ҳал этишда Ўзбекистон республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 4–моддасига амал қилади.

Таълим учун ҳақ тўлаш муаммоси олий мактаб мутахассислар салоҳиятини сақлаб қолишга салмоқли ҳисса қўшувчи тижорат тузилмасисиз ҳал этилиши мумкин эмас. Уларнинг молиявий ёрдами баъзи ҳолларда жуда салмоқли бўлади. Ўқитувчилар, аспирантлар ва талабаларни тижорат корхоналари ишида қатнашишга жалб этиш ўқув жараёнини мавжуд иқтисодий амалиёт билан қўшилишига имкон яратади, ўқитувчилар таркиби юқори даражада касбий малакага эга бўлиши ва уни сақлаб туришга кўмаклашади.

Тижорат корхоналарида тушумлар айрим ҳолларда олий таълим муассаси моддий-техникавий негизини мустаҳкамловчи муҳим манба ҳисобланади (ижара ҳақи, фойданинг бир қисмини олий таълим муассасасини ривожлантириш фондига ўтказиш). Тижорат тузилмалари туфайли институтимизда таъмирлаш–тиклаш ишлари, техника ва жиҳозлар сотиб олиш имкони пайдо бўлади. Олий таълим муассасаси тижорат тузилмаларини бунёд этиш ва улар фаолият кўрсатишдан олий мактабнинг мақсади: мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ва илмий тадқиқотлар юқори даражаси билан боғлиқ бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда кенг қўлланаётган ижара муносабатлари олий мактабда, бир томондан, олий таълим муассасалари фақат мустақил тадбиркорлик фаолияти натижасида сотиб олинган мулкни тасарруф этиши мумкинлиги кўзда тутган.

Олий таълим муассасалари, оператив бошқариш учун берилган мулкдан мустақил фойдаланибгина қолмай балки, уларни мустақил тасарруф ҳам этишлари лозим. Шунда олий таълим муассасалари ҳақиқий мулк эгасига айланади, кенг эркинлик олади, мулкдан фойдаланишнинг самарадорли усуллари топади, демак унинг маъсулияти сезиларли даражада ошади.

Институтни қўшимча молиялашнинг муҳим манбаи бўлиб, ташқи иқтисодий фаолият ҳисобланади. Халқаро алоқаларни кучли марказлаштирилган бошқарувдан тўла мустақил олиб боришини кучайтиради.

Чет мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлаш ҳам бюджетдан ташқари маблағ келишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Чет эл фуқароларини ўқитишнинг энг қуёи даражада тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш талаб этилади. Чет элликларни ўқитиш ягона қийматини маъмурий тарзда белгилаш мумкин эмас, чунки турли олий таълим муассасаларига бериладиган имтиёзлар турличадир.

Эркин ташқи иқтисодий фаолият олий таълим муассасаларига чет эл сармоясидан фойдаланиш, зарур жиҳозлар харид қилиш ва ўқув жараёнини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконини беради. Яъни, Ўзбекистон олий мактаби ва фанининг жаҳон таълим тизимига уйғунлашувига кўмаклашади.

Хўжалик шартномаси тузиш асосида саноат корхоналари ва илмий–тадқиқот муассасалари билан илмий–техникавий ҳамкорлик қилиш институтни бюджетдан ташқари молиялашнинг анъанавий ва муҳим манбаларидан ҳисобланади. Илмий тадқиқотларни фаоллаштириш олий

таълим муассасаси учун молиялашнинг қўшимча манбаини излашнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, барқарорлашув жараёнида олий таълим муассасасининг вазифаси тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш бўйича катта ва турли-туман ишларни амалга ошириш, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаб топиш ва жалб этишдан иборатдир.

Институтимизни бюджетдан ташқари молиялашни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш лозим. Молиялашнинг бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини жалб этишда, асосийси, олий таълим муассасаси фаоллиги ҳисобланади. Юқоридагилардан ташқари тўлов асосида таълим хизмати кўрсатиш, ноширлик фаолияти ва бошқалар ҳам бюджетдан ташқари анъанавий манба саналади.

Бюджетдан фаолият асосий турларини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Таълим хизмати соҳаси:

- таълимнинг тўлов-контракт шакли;
- корхоналар билан шартнома асосида мутахассисларни тақсимлаш;
- иккинчи олий маълумот олиш;
- турли хил бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларини жадал ўргатиш курсларини ташкил этиш;
- махсус сертификатлар бериладиган курсларда қўшимча таълим бериш;
- жисмоний ва юридик шахслар учун тўлов асосида консультациялар ташкил этиш;
- пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этиш.

2. Илмий–ишлаб чиқариш фаолияти:

- хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;
- консалтинг ва маълумотнома–ахборот фаолияти;
- минтақаларда юқори технологияни жорий этиш билан боғлиқ тадбиқий фаолият;

- илмий жиҳозлар ва ускуналар лизинги ташкил этиш;
- кичик ва ўрта бизнесга илмий–техникавий ёрдам кўрсатиш;
- илмий-техникавий нархлар ва янгиликлар инкубаторийларини ташкил этиш;
- олий таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтироларининг патент ва лицензия сотиш;
- тижорат фирмалари ва корхоналар билан илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар ташкил қилиш;
- тўлов асосида илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш;
- олий таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқот хизматларини реклама қилиш;
- Ўзбекистон республикаси қонунчилигида ман этилмаган илмий-ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа инновация фаолияти турлари олиб бориш.

3. Ташқи иқтисодий фаолият:

- чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрлар ва тажриба орттирувчи таълимини ташкил этиш;
- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда факультетлар ташкил қилиш;
- хорижий шериклар билан қўшма корхоналар тузиш;
- Ўзбекистон талабаларини чет эл олий таълим муассасаларига юбориш;
- турли хил чет эл инвестициясини жалб этиш.

4. Тижорат фаолияти:

- дарсликлар, ўқув-услубий ва илмий-оммабоп адабиётлар чоп этиш;
- даврий нашрлар чиқариш;
- реклама фаолиятини ташкил этиш;
- бўш хоналарни ижарага бериш;
- хоналар узоқ муддатли ижараси (лизинг);
- таълим вақтида бўшаб қолган ётоқхоналарни ижарага қўйиш;

- мажлислар зали, аудиторияларни конференция, пулли машғулотлар ўтказиш учун ижарага бериш;

Талабалар, ходимлар ва аҳоли учун хизмат соҳаси:

- умумовқатланишни ташкил қилиш;
- спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар хизмати ва бошқалар.

5. Ҳомийлик:

- корхона, ташкилот ва хусусий мулк барча турдаги фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;

- жиҳозларни бегараз бериш (аудио–видео, компьютер оргтехникаси, ўқув–амалиёт ускуналари, ёзув қоғозлари ва ҳ.к.);

- кутубхона жамланмасини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, каталоглар, бадиий адабиётлар ва ҳ.к.);

- чет эл инвестициясини жалб этиш (кичик–босмахона, автотранспорт, ўқув

- амалиёт жиҳозлари, ўқув адабиётлари);

6. Олий таълим муассасалари мураббийлар кенгашини ривожлантириш жамғармаси:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;

- кооператив ташкилотлар кўнгилли бадаллари;

- фуқаролар кўнгилли бадаллари;

- чет эл инвесторларининг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;

- Мураббийлик кенгашининг чет эл фирмалари билан қўшма корхоналаридан келадиган даромад;

- тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари берган кредитлар.

Фаолият турли кўринишларини ва молиялашнинг қўшимча манбаларини жалб этишни кенгайтириш бўйича барча чораларини кўриб, олийгоҳ ҳаддан зиёд тадбиркорлик фаолиятига берилиб кета олмайди, чунки олий мактаб жамиятнинг муҳим ижтимоий институтидир, у жамиятнинг ақлий ва маънавий салоҳиятини оширади.¹

¹ М.Х. Саидов Олий таълим муассасаларини молиялаштириш: Т. 2002 й. 54-бет

Шундай қилиб, юқоридаги бобларда олий таълим тизими харажатларини молиялаштиришнинг моҳияти, зарурияти, аҳамияти, ҳуқуқий–меъёрий асослари, молиялаштириладиган маблағлар динамикаси, олий таълим тизимини молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва унинг ўзига хос жиҳатлари, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари атрофлича ўрганилди. Улардан унумли фойдаланиш борасида фикр–мулоҳаза ва таклифлар берилди.

Энди юқоридагиларни институтимиз (Наманган муҳандислик–педагогика институти) мисолида кўриб чиқамиз.

Таълим соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаб ва вазифаларидан келиб чиқиб, 1998 йил 24 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 77–сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра НСТИ Наманган муҳандислик–педагогика институтига айлантирилди ва ўрта махсус, касб–хунар таълими тизими учун кадрлар тайёрловчи таянч ОТМ этиб белгиланди.

1998 йилда фақат 2 та таълим йўналиши бўйича 100–120 нафар муҳандис–педагоглар тайёрланган бўлса, эндиликда институтимизда таҳсил олувчи талабаларнинг умумий сони 4430-4436 нафарни ташкил этади. Институтимизда жами 270 нафардан зиёд профессор–ўқитувчилардан 145 таси ёки 49 фоизи илмий даража ва унвонларга эга. Улардан 5.5 % ини фан докторлари ва профессорлар, 43 % фоизини фан номзодлари ва доцентлар ташкил этади. Институтимизда кейинги йилларда талабалар қабулининг кескин ортиб кетишини кузатишимиз мумкин. Масалан: 1999 йилда 587 нафар талаба қабул қилинган бўлса, ўтган ўқув йилида уларнинг сони 1207 нафарни ташкил этди, яъни 2 баробардан зиёдроқ ўсиш содир бўлди.

Институтда 3 та замонавий ўқув лабораториялар корпуси мавжуд бўлиб, ҳар бир талабага 11.6 кв.м. ўқув майдони тўғри келади. 58 та хона ўқув–лаборатория машғулотлари учун ажратилган бўлиб, улардан 1212 та лаборатория ишлари бажарилмоқда.

Ҳозирги кунда институтда ҳар 100 та талабага 12.8 та компьютер тўғри келади. Кейинги 3 йил ичида институтнинг ўқув–лаборатория базаси 60 млн. сўмлик лаборатория жиҳозлари билан бойитилди.

Профессор–ўқитувчиларнинг илмий–тадқиқот ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган маблағлар жами бюджетдан ташқари маблағларнинг 10.4 фоизини ташкил қилади.

Хали институтимизда бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилиш бўйича фойдаланилмаётган резервлари кўп.

Улардан оқилона фойдаланиш институтимиз жамоасининг муҳим вазифасидир. Институтда таълим сифатини ошириш билан бир қаторда ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш, институт раҳбариятининг яқин келажакдаги асосий вазифаси бўлиб қолади.

Энди бевосита институт харажатларини режалаштиришга келадиган бўлсак, институт харажатлар рўйхати (сметаси), унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджетдан бериладиган маблағни умумий миқдори, мақсадли йўналиши ва уч ойликлар бўйича тақсимланишини белгиловчи асосий ҳужжатдир.

2010-йил учун Молиялаштириш манбалари:

1. Ҳисобот даврида, яъни 2010-йил III-чораги давомида институт давлат бюджети ҳисобидан 2244548 минг сўм миқдорда молиялаштирилди. Бу 2010-йилнинг шу давридагига нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда институт барча манбаалар (давлат бюджети, пуллик шартнома асосида ўқитиш, бюджетдан ташқари маблағлар) ҳисобидан 4415849,8 минг сўм миқдорида молиялаштирилган бўлиб, унинг 33,6 % давлат бюджети маблағларидан иборат бўлди.

Молиялаштириш манбаалари, тушган маблағлар ҳажми ва улуши ҳақидаги маълумот учун 2-жадвал.

Маълумот ҳисоб–китоблари олий таълим муассасасига тегишли вазирлик ва муассасалардан олган талабалар қабули ва мутахассислар етиштириш режаси, тегишли малака ошириш факултетига тингловчилар

кабул қилиш ва битириши режаси асосида, шунингдек, профессор–ўқитувчилар ва бошқа ходимларга иш ҳақи, талабаларга стипендиялар бериш, бепул овқатланиш, кийим-кечак учун ва бошқа мақсадларга алоҳида сарфлар турига харажатларнинг мавжуд меъёрлари бўйича маблағ сарфлаш тартиби ҳақидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилади.

2-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институтида
молиялаштирилган маблағларнинг ҳажми ва улуши ҳақида

МАЪЛУМОТ

(минг сўмда)

Молиялаштириш манбаи	2009 йил III-чораги Давомида	2010 йил III-чораги Давомида	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % ҳисобида	Жами маблағларга нисбатан % ҳисобида
Давлат бюджети	2117563	2244548.0	105.9	33.6
Пуллик шартнома асосида ўқитиш	2195400.0	4188274.6	190.7	62.9
Бюджетдан ташқари маблағлар	167658.5	227575.2	135.7	3.5
Жами:	4480621.5	6660397.8	148.6	100

Харажатларни айрим турларини режалаштириш учун рўйхатда институт фаолияти ҳажмининг кўламини тавсифловчи умумий (факультетлар, кафедралар, олий таълим муассасаси таркибидаги бўлинмалар, ўқув–моддий негиз ҳақида) келтирилади.

Рўйхатнинг олд томонида харажатлар умумий миқдори лавозимидаги ва лавозимдан ташқари ходимлар иш ҳақи фонди ҳамда рўйхат тасдиқланган сана кўрсатилади.

Институт махсус (бюджетдан ташқари) маблағ бўйича кирим ва чиқимлар рўйхатиغا эга бўлиши мумкин. Бу маблағни институт кирим ва чиқим бўйича ўтказмай махсус мақсадларга сарфлайди.

Наманган муҳандислик–педагогика институтида давлат бюджетидан молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли Қарори асосида амалга оширилади. Қарорга асосан ҳозирда тўртта гуруҳ харажатлари белгиланган меъёрлар асосида сметалар тузилганидан кейин, смета тасдиқлангач молиялаштирилади.

3-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институтида 2009-2010 йилларда
давлат бюджетидан молиялаштириш таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар		2009 йил		2010 йил		2009 йилга нисбатан	
		Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқат	Режага нисбатан	Ҳақиқий харажатга нисбатан
1	Иш ҳақи жами	6386140	6308164	861364	8462231	+22275	+21540,5
2	Стипендиялар	5661883	5639738	6824225	6824224	+11624	+11844,8
3	1-гуруҳ харажатлар	12179630	12079533	15610655	15459235	+34309,7	+33797
4	2-гуруҳ харажатлар	2553673	2523438	3204244	3147940	+6506	+6245,4
5	3-гуруҳ харажатлар	-	-	-	-	-	-
6	4-гуруҳ харажатлар	6441004	6445745	5682804	5483153	-7582	-9625,9
	Жами:	21174574	21049075	24497667	24090325	+33231	+30412,5

Манбаа: НамМПИ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Наманган муҳандислик-педагогика институтида 2009 йилда иш ҳақи учун ажратилган суммадан 779,4 минг сўм иқтисод қилинган. 2010 йилда эса

153000 минг сўм иқтисод қилинган, иқтисод қилинган сумма йил охирида махсус счётга ўтказиб қўйилган. Умуман олганда олийгоҳда 2010 йилда иш ҳақи 2009 йилга нисбатан 21540 минг сўмга кўпайган. Стипендиялар ҳам 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 11844,2 минг сўмга кўпайган. Умуман олганда олийгоҳда 2009 йилда молиялаштирилган 2117450 минг сўмни 210490,70 минг сўми харажат қилинган ёки 250 000,2 минг сўм иқтисод қилинган. Иқтисод қилинган сумма ҳаракатдаги қонунчиликка асосан йилнинг охирида махсус счётга ўтказиб қўйилган. 2010 йил якунига кўра 4007,2 минг сўм маблағ иқтисод қилинган. Наманган Муҳандислик-Педагогика институтида бюджетдан молиялаштирилган маблағларни харажат турлари бўйича улушлари кўрсаткичлари.

Айни кундаги маълумотлардан маълумки, 2011 йил 1 май ҳолатига кўра институт факультетлари бўйича пуллик-шартнома асосида ўқиётган талабалардан ўқиш ҳақи учун ундирилган маблағлар қуйидагича: барча факультетдаги шартнома асосида ўқийдиган талабалар сони 3825 тани ташкил этади. Улар томонидан 2010-2011 ўқув йили учун институт ҳисобига тўланадиган сумма 1278099719 сўмни ташкил этиб, шундан 1.05.2011 йил куни ҳолатига ҳақиқатда тўланган сумма 1205997962 сўмни, қарзи 7210170 сўмни ташкил этади.

Институтга ҳақиқатда тўланган сумма, тўланиш лозим бўлган суммага нисбатан фоиз ҳисобида 94,3 фоизни ташкил этади. Қолган маблағни ҳам зудлик билан тўланиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

1-диаграмма



Манбаа: НамМПИ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Чизма маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, олийгоҳда 2009-йилда иш ҳақи ҳаражатларида 30 % ни ташкил этган бўлса 2010-йилда 35 %га этган. Стипендия ҳаражатлари 2009-йилда 26 %ни ташкил этган бўлса, 2010-йилда 28 %га етган. Ижтимоий суғурта ҳаражатлари 2009-йилда 12%ни 2010-йилда 13%ни ташкил этган. Иш ҳақи ва стипендия ҳаражатлари улушининг кўпайиши бошқа ҳаражатлар улушини 2010-йилда 4%га камайганлиги ҳисобига оширилган.

Бюджетдан молиялаштиришни таҳлил қилишда асосий эътиборни ҳақиқий ҳаражатлар суммасига қаратиш лозим, чунки кўпчилик мутахассислар бюджет муассасаларини молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишда, асосан молиялаштирилган суммани касса ҳаражатлари билан таққослаб хулоса чиқарадилар. Бу бизнинг фикримизга нотўғридир, чунки газ, сув, электр-энергия ва телефон ҳаражатлари кўп ҳолларда инкасса тўлови орқали тўланади.

2.2. Наманган муҳандислик-педагогика институти ҳаражатларини молиялаштириш динамикаси таҳлили

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда 464-сонли рақам билан рўйхатга олинган. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, ҳамда 1999 йил 3 сентябрдаги Молия вазирлигининг 414-сонли рақам билан рўйхатга олинган “Бюджет муассасаларини молиялаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида амалга оширилади.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида ҳам юқоридаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида 4 та гуруҳ ҳаражатлари молиялаштирилиб келинмоқда.

Жумладан, иш ҳақи ҳаражатларини молиялаштиришда Олийгоҳдаги барча профессор-ўқитувчиларни (шу жумладан кўшимча ва соатбай тўловлар

ҳам) ҳамда административ хизмат кўрсатувчи, бошқарув ва ўқув ишларига ёрдам берувчи персонални иш ҳақлари ҳисобга олинади.

Шунингдек ҳар ойда иш ҳақи фондига нисбатан нобюджет фондлар учун тўловлар ҳам иш ҳақи фондига ҳисобланади. Талабалар оладиган стипендиялар миқдори ҳам иш ҳақи фондига ҳисобланади.

Капитал таъмирлаш харажатлари учинчи гуруҳда олиб борилади.

Олийгоҳда қолган барча харажатлар ҳамда жорий таъмирлаш харажатлари бошқа харажатлар гуруҳида ҳисобга олиб борилади.

Биз харажатларни ҳисоб-китоби билан янада яқинроқ танишиш учун харажатларни молиялаштириш динамикасини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида 2004-2010 йилларда харажатларни молиялаштириш динамикаси (млн. сўм ҳисобида)

2-диаграмма




Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, олийгоҳда умумий харажатлар 2010 йилда 2004 йилга нисбатан 12541680,4 минг сўмга ортган, албатта ўтган олти йил давомида умумий харажатларни деярли 12 баробарга ортиши кўп жиҳатдан муассаса даромадларини ортиши, талабалар сонини ортиши, шартнома асосида ўқийдиган талабаларни шартномавий ўқиш

баҳоларини ортиши билан боғлиқдир, чунки республикамиз ҳукумати томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни қоплаш суммасини бир неча марта оширилганлиги сабабдир.

Шунинг учун ҳам иш ҳақи бўйича тўловларни динамикасини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

НамМПИ да иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар динамикаси.

3-диаграмма

(млн сўмда)




Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, Наманган муҳандислик-педагогика институтида иш ҳақи фонди 2004-2010 йиллар мобайнида 3533214.2,2 минг сўмга ортган, бу албатта ўтган 7 йил мобайнида республикамиз ҳукумати томонидан бюджет тизимида ишловчиларни иш ҳақларини бир неча мартаба ошириши орқали ижтимоий ҳимоялаб келаётганлигини натижасидир. Олийгоҳда ишловчиларни моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Жумладан, 2004 йилда бу соҳага 32802.5 минг сарфланган бўлса 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 196818 минг сўмга етган. Бу ўз навбатида профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимларни ўз фаолиятларига бўлган муносабатларини рағбатлантиради.

Иш ҳақиға нисбатан ажратмаларни ортиб бориши ўз навбатида иш ҳақи фондини ортиб бориши билан изоҳланади. Стипендия тўловларини 2010 йилда 2004 йилга нисбатан 295934.3 минг сўмга кўпайиши ҳам республика ҳукумат томонидан талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ижтимоий сиёсатни натижасидир.

4-диаграмма




Диаграмма маълумотлари шундан далолат берадики, Наманган муҳандислик-педагогика институтида “Бошқа харажатлар” гуруҳида энг юқори салмоққа асбоб-ускуна, инвентар, оргтехника, компьютер ва китоблар олиш харажатларини молиялаштириш кўрсаткичлари эгадир. Уларни ҳажми 2010 йилда 2004 йилга нисбатан 252360.6 минг сўмга ортганлиги олийгоҳ маъмуриятини замонавий оргтехника ва янги китобларга бўлган эътиборини юқорилигидан далолат беради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва “Истеъдод” фондига ажратмалар юқоридан белгиланган фоизлар асосида ўтказиб келинган.

Олийгоҳни жорий ва капитал таъмирлаш харажатларини ортиши сметада режалаштирилган бўйича амалга оширилган.

Сақлаш, ижара, эксплуатация ва бошқа хизматлар ҳам ўтган давр мобайнида 144 миллион сўмга ортган, бу ортиши ўз навбатида бу хизматлар учун баҳоларни ортиши натижасида вужудга келган.

“Бошқа харажатлар” гуруҳида асбоб-укуна, инвентар, оргтехника, компьютер ва китоблар олиш учун харажатлар юқори салмоққа эга бўлганлиги учун шу харажатлар таркиби динамикасини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

5-диаграмма.
2010-йил учун




Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, олийгоҳда замонавий асбоб-ускуна ва оргтехника олиш учун эътибор юқори, бу модда учун 2010 йилда 2056873 минг сўм харажат қилинган. Шунингдек, янги нашр қилинган дарслик бу ўқув қўлланмалар учун 318797,5 минг сўм сарфланган. Олийгоҳда ўқув-лаборатория биноларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга ҳаракат қилаётганликларидан далолат беради. Олийгоҳда компьютерларни охирги авлодини сотиб олиш ҳам эътиборда туради, бу соҳага 2010 йилда 11728934.7 минг сўм сарфланган. Аудитория мебелларини сотиб олиш учун 3 936543.6 минг сўм сарфланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маълумки, ҳозирги барқарорлашув-жараёнида олий таълим муассасаларини давлат томонидан молиялаштириш тобора камайиб, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан унинг харажатларини қоплаш тобора юқорилаб бораётганлиги маълум. Шу боис ҳам институтда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини янаям кўпайтириш ва шу мақсадда мавжуд имконият ва резервлардан оқилона фойдаланиш лозим деб ўйлайман.

Биз юқоридаги келтирилган I-боб 3 режада Республикамиздаги таълимга кетадиган харажатлар улушининг ўсиш динамикаси билан яқиндан танишган эдик. Ундан маълумки, таълим соҳасига давлат сарфлари, бюджет бўйича умумий сарфларга нисбатан 2005 йилдан кескин ошиб, 36 % га етганлиги кўриниб турибди. (Айни кунда эса бу кўрсаткич-63 % ни ташкил этиши маълум). Буни ялпи ички маҳсулотга нисбатан олганимизда эса бу кўрсаткичлар унчалик жадал кўтарилмаганлигини кўрамыз.(№ 1 жадвал)

Энди шу кўринишдаги маълумотни институтимиз, яъни (НамМПИ) миқёсида таҳлил қилганимизда эса қуйидаги жадвални келтиришимиз мумкин: №5 жадвал. Жадвал маълумотларидан таҳлил қилганимизда, 2010 йилда давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар 413.7 млн. сўмни ташкил этган. Пуллик шартномадан эса келиб тушган маблағлар миқдори 403.7 млн. сўмни ташкил этган. Четдан маблағ жалб қилиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидан эса 35.2 млн. сўмни ташкил қилган. Буларнинг жами 852.4 млн. сўмни ташкил қилган. Бундан келиб чиқадики, ушбу ўқув йили учун сарфланган харажатларнинг 48.5% давлат бюджетидан, 47.4% и, пуллик шартномалардаги тушумлар ҳисобидан ва 41%и тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган маблағлар ҳисобидан қопланган.

2009 йилга 2010 ўқув йилини солиштирадиган бўлсак, ушбу йилда 488.4 млн. сўм. Яъни умумий молиялаштириш учун кетадиган харажатларнинг 44.8%ини ташкил қиляпти.

2011-йил. Молиялаштириш.

1. Ҳисобот даврида, яъни 2011-йил I-чораги давомида институт давлат бюджети ҳисобидан 779549,2 минг сўм миқдорда молиялаштирилди. Бу 2011-йилнинг шу давридагига нисбатан 28,1 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда институт барча манбаалар (давлат бюджети, пуллик шартнома асосида ўқитиш, бюджетдан ташқари маблағлар) ҳисобидан 1986697,4 минг сўм миқдорида молиялаштирилган бўлиб, унинг 71,2 % давлат бюджети маблағларидан иборат бўлди.

Молиялаштириш манбаалари, тушган маблағлар ҳажми ва улуши ҳақидаги маълумот 5-жадвалда кўрсатилган

5-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институтининг
молиялаштирилган маблағларнинг ҳажми ва улуши ҳақида

МАЪЛУМОТ (минг сўмда)

Молиялаштириш манбаи	2010 йил	2011 йил I-чораги	Ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан % ҳисобида	Ҳами маблағларга нисбатан % ҳисобида
Давлат бюджети	853651.0	779549.2	91.3	28.1
Пуллик шартнома асосида ўқитиш	1858613.5	1969166.2	105.9	71.2
Бюджетдан ташқари маблағлар	79514.7	17531.2	22	0.7
Ҳами:	2791779.2	2766246.6	99	100

Пуллик шартномадан тушумлар миқдори эса 554.1 млн. сўм, яъни 50.8% ни ташкил қилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятидан тушумлар миқдори эса 47.7 млн. сўм, яъни 4.4 % га ортганлигини кузатишимиз мумкин.

Институтимизнинг молиялаш маблағларининг ўсиш динамикаси бўйича охириги 2 йилликни бир-бирига солиштириб кўрганимизда, тобора, йил сайин давлат бюджети ҳисобидан ҳаражатларнинг қопланиши камайиб бормоқда.

Масалан: 2009 йилда институтнинг молиявий маблағлари миқдори 1369.3 млн. сўмни ташкил қилиб, унинг 40.8 %и давлат бюджети ҳисобидан қопланган. 2010 йилда эса бу кўрсаткич 722.2 млн. сўм, яъни 1.5 %ини ташкил этганлигини кўрамыз.

Пуллик шартномадаги тушумлар эса 2009 йилда 727.9 млн. сўм, яъни 53.1 %ни ташкил этган. 2010 йилда эса бу кўрсаткич янаям ортган. Пуллик шартномадан тушумлар 940.1 млн. сўм бу институт молия маблағларининг 2010 йил учун 54.0 % ини ташкил этади.

Тадбиркорлик фаолиятидан тушумлар миқдорини солиштириб, таҳлил қилганимизда 2004 йилда тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар миқдори 83.2 млн. сўм, яъни 6.1 %ни, 2010 йилда эса 77.6 млн. сўмни, яъни 4.5 %ни ташкил этганлигини, 1.6 %га камайганлигини кузатамиз.

Хулоса қилиб айтганимизда, 2007 йилда институтнинг молиявий маблағлари миқдори 852.4 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб, 1739.9 млн. сўмдан иборат бўлган, ёки бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 24.0 % га кўпайган. Бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳажми эса 2007 йилга нисбатан 2010 йилда 32 % га ортган. Тадбиркорлик фаолиятидан тушумларнинг улуши 2005 йилда 4.5 % ни ташкил этган бўлсада, лекин унинг ҳажми 2007 йилга нисбатан 22 % га кўтарилганлигини кузатамиз.

Таҳлил натижаларидан кўришиб турибдики, институтимизни молиялашда давлат бюджетининг салмоғи йилдан-йилга камаймоқда.

2.3. Наманган муҳандислик-педагогика институти ҳаражатларини манбаларидан самарали фойдаланиш таҳлили

Энди ўтган йиллар мобайнида Олий ўқув юртларини молиялаштириш маблағларини такомиллаштириш масалалари билан танишиб чиқсак.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида олийгоҳ харажатларини молиялаштириш манбалари ҳаракатдаги қонунчилик асосида қуйидагича шаклланади:

1. Давлат бюджети ҳисобидан.

2. Тўлов контракт асосида ўқитишдан тушган маблағ:

Жумладан:

А) корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида;

Б) жисмоний шахслар билан тузилган шартнома асосида;

В) банкларнинг таълим кредитлари ҳисобидан;

Г) сиртқи таълим шакли бўйича.

3. Тадбиркорлик фаолиятидан тушган маблағ:

А) депозитдан олинган дивидентлар ҳисобидан;

Б) ижара шартномалари ҳисобидан;

В) хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳисобидан;

Г) ишлаб чиқариш фаолиятидан (босмахона, кичик цехлар ва ҳ.к.);

Д) грантлар:

- чет эл грантлари;

- давлат грантлари.

Е) пуллик курслар ҳисобидан;

Ж) бизнес-мактаблар ҳисобидан;

З) ҳомийликдан.

Даромадлар олийгоҳни банкдаги жорий, бюджет ва махсус счётига кирим қилинади ва аввалдан тасдиқланган сметалар орқали харажат қилинади. Давлат

бюджети томонидан молиялаштирилган маблағлар мақсадли харажатларга сарфланади. Тўлов-контракт асосида тушган маблағлар Молия Вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида сарфланади. Бюджетдан ташқари тушган маблағлар ҳам шу маблағларни сарфланиш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида харажат қилинади. Лекин бу маблағларни сарфлашда иш ҳақи учун умумий тушумни 40 фоиздан ортиқ харажат қисмаслик қатъий белгилаб қўйилган.

6-жадвал

Наманган муҳадислик-педагогика институтида харажатларни
молиялаштириш манбаларни шаклланиши таҳлили

(жамига нисбатан % ҳисобида).

Тадбиркорлик йўналишлари	2010-йил III чорак режаси (минг сўм)	Ҳисобот давридаги тушум (минг сўм)	Режага нисбатан % ҳисобида	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % ҳисобида
Пуллик курслар	90423,6	90423,6	100	155,6
Хўжалик шартномалари асосида ИТИ	1100	1100	100	22,8
Кичик бомах. ва нусха кўпайтириш бўлими	1014	1014	100	95,7
Ижара	1820,7	1820,7	100	29,2
Умумий овқатл. Хизмати	25305,7	25305,7	100	106,5
Дивидентлар	0	0	100	0
Бошка тушумлар	107911,2	107911,2	100	493,2
Жаъми	227575,2	227575,2	100	139,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, олийгоҳ харажатларини молиялаштиришда давлат бюджетини ўрни йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Масалан, 1999 йилда умумий молиялаштиришда унинг ўрни 64.7 фоизни ташкил этган бўлса 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 63.8 фоизни ташкил этган. Бу албатта, республикамизда “таълим тўғрисида”ги Қонунни, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”ни қабул қилиниши натижасидир. Шунинг учун ҳам 2005 йилда тўлов-шартномасида ўқитишдан тушум умумий молиялаштиришда 28.6 фоизни ташкил этган бўлса 2010 йилда бу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этган.

Олийгоҳда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Тўғри жадвалда унинг улуши 2000 йилга нисбатан 2010 йилда камайганга ўхшайди. Аслида 2010 йилда 2004 йилга нисбатан унинг ҳажми 75455.2 минг сўмга ортган у эса ўз навбатида олийгоҳ профессор-ўқитувчиларининг тадбиркорлик борасида олиб бораётган ишларининг ижобий томонган силжиётганлигидан далолат беради.

Молиялаштириш манбаларини таркибини ўрганиш ўз навбатида молиявий оқимларни қайси манбаларига эътиборни кучайтириш лозимлигидан далолат беради.

6-диаграмма

НамМПИ 2004-2010 йилларда ҳаражатларни молиялаштиришда тўлов контракт асосида тушган маблағларни манбаалари тартиби

(млн сўм)




Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, талабаларни шартнома асосида ўқитишда корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар ҳамда, жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида тушган пул маблағлари юқори салмоққа эга. Шунингдек, сиртки таълим йўналиши бўйича педагоглар тайёрлашдан тушум ҳам ўтган йиллар мобайнида 2 баробарга ортган.

7-диаграмма

НамМПИ 2005-2010 йилларда табдиркорлик фаолиятидан тушган пул маблағлари таркиби таҳлили (млн сўм)



Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, молиялаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” (1999 йил 414-рақамли) қарор қабул қилди. Унда қуйидагиларни кўзда тутувчи янги тартиб белгиланади:

- бюджет ташкилотлари раҳбарларининг бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш, бюджет интизомини

мустаҳкамлаш бўйича мустақиллигини кенгайтириш ва маъсулиятини ошириш;

- мавжуд маблағларни улардан фойдаланиш самарадорлигини юқори даражада оширишга эришиш мақсадида турлича қўллаш учун имконият яратиш ва бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини соддалаштириш;
- меъёрлар бўйича бир баракай молиялаш усули билан бюджет ташкилотларини молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;
- бюджетдан молиялашни таълим муассасаси соҳасига мос товарлар ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) билан қўшиб олиб бериш;
- таълим муассасаси ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолият натижаларини ошириш ва мутахассисларни жойлаштириш учун шароит яратиш;
- режавий бюджетдан молиялаш ҳисобидан тушган ва ҳисобот йили охирида бюджет ташкилот ҳисоб рақамларида қолган, тежалган (фойдаланилмаган) маблағ;
- таълим муассасаси фаолият соҳаси бўйича товарлар сотиш (иш, хизматлар бажариш), ишлаб чиқаришдан келадиган даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдами.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича таълим муассасалари фаолият янги шакллари талаб этади. Шунга кўра бир талай ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Булар таълим муассасаларига молия оқимидан энг самарали фойдаланиш имконини беради. бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича тавсиялар ва “Республика таълим муассасаларидаги пулли-контракт асосида ўқиш шакли ва тушган маблағни сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом” шулар жумласидандир (меъёрий-ҳуқуқий база. Расмий ҳужжатлар. 1-боб 2-параграфга қаранг). Бу ҳужжатларда пулли-контракт

асосида таълим олувчи талабалардан тушган маблағларни тақсимлаш кўрсатилган.

- 25 % дан кўп бўлмаганини ходимлар меҳнاتини рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ЎПТ таркибига тўлаш учун сарфлаш;
- 5 % дан кам бўлганини маънавият ва маориф масалалари бўйича тадбирларни ўтказишга сарфлаш;
- ўқувчи ёшларни рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пулли-контракт асосида ўқувчи талабаларга стипендия бериш;
- ўқув харажатлари (ишлаб чиқариш амалиёти ва б.) ўқув юртларига хўжалик хизмати билан боғлиқ харажатлар бир қисмини қоплаш (коммунал ва бошқа тур хизматлар);
- моддий техника базасини мустаҳкамлаш; кутубхона жамғармасини тўлатиш; таълим жараёнини таълимнинг замонавий воситалари билан жиҳозлаш; ашё ва ускуналар сотиб олиш; ётоқхоналарни юмшоқ ашёлар билан таъминлаш; капитал таъмирлаш ва б.

Ҳозирги шароитларда олий таълим муассасалари бюджет маблағларидан самарали фойдаланиб, ўз шахсий ташаббусларини кенг йўлга қўймоқда, ортиқча тижоратлашишга йўл қўймаган ҳолда молиялашнинг қўшимча манбалари жалб этиш бўйича қўшимча фаолиятини кенгайтирмоқда, чунки олий мактаб жамиятни интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантирувчи ижтимоий институт ҳисобланади.

7-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институтининг 2010 йил тадбиркорлик фаолиятидан топилган маблағлар манбалари тўғрисида маълумот

(минг сўм ҳисобида)

№	Жами тушум	9100348	100 %
1.	Пуллик курслар жами:	360746.4	25.4 %
	Ш.Ж. тил ўрганиш маркази	4770.5	

	АЁҚШ операторлари курси	849.0	
	ЭХМ операторлари курси	2126.0	
	Малака ошириш факультети	52973.7	
	Инновацион педагогик технологиялар курси	1300.1	
	Автомобиль мактаби	17290.2	
2.	Тадбиркорлик ва бизнес мактаби жами:	16765.7	4.2 %
	Ш.Ж. ТБМ	13825.5	
	Фермер хўжалиги рақобатларини ўқитиш курси	2085.1	
3.	Ижара	1820.7	0.4 %
4.	Акциядан дивидент олиш ва депозит	-	-
5.	Типография хизмати жами:	4056.2	4.0 %
6.	Ахборот коммуникация маркази		
7.	Ошхона хизмати	40222.8	13.7 %
8.	Илмий тадқиқот ишлари ва хўжалик шартномалари	18126.0	23.4 %
9.	Меҳмонхона хизмати	3667.3	4.7 %
10.	Ўқув ёрдамчи хўжалигидан	2680.0	3.4 %
11.	Бошқалар	107911.2	11.1 %

Институтимиздаги молиялаштириш маблағларидан самарали фойдаланилган. Юқоридаги жадвал 2010 йил мобайнида тадбиркорлик фаолиятдан топилган маблағлар манбалари тўғрисида маълумотлар келтирилган (минг сўм ҳисобида). Жами тушум, 2010 йил давомида 77602.1 (100 %), бундан:

1. Пуллик курслар жами: 19746.4 с., яъни 25.4 % ини ташкил этади. Унинг таркибига ш.ж. тил ўрганиш маркази, АЁҚШ операторлари курси, ЭХМ операторлари курси, Малака ошириш факультети, Инновацион пед. Технологиялар курсидан 325.0 сўм миқдорида, Автомобиль мактабдан 34582014.3 сўм.

2. Тадбиркорлик ва бизнес мактабидан жами: тушумлар 3253036 сўм, яъни умумий келиб тушган даромаднинг 4.2 фоизини ташкил қилади. Шумладан, ТБМ тадбиркорлик бизнес мактаби ҳисобидан 2768.5 сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги раҳбарларини ўқитиш курсидан 485.1 минг сўм тушган. Ижара шартномасидан тушган маблағлар 321.0 минг сўм, яъни 0.4 % ини ташкил қилади.

Типография хизмати жами: 3068.2 минг сўм, бу умумий даромаднинг 4.0 % ини ташкил қилади.

Ахборот коммуникация марказидан 1049.0 минг сўмни ташкил қилади. Институтнинг ошхона хизматидан 10633.2 минг сўм, бу умумий даромаднинг 13.7 % ини ташкил қилади.

Илмий-тадқиқот ишлари ва хўжалик шартномалари ҳисобидан институт ҳисоб рақамига 18126.0 минг сўм келиб тушган, яъни бу 23.4 % ини ташкил қилади.

Меҳмонхона хизматидан эса 3667.3 минг сўм миқдорида пул маблағи келиб тушади. Бу фоизда олганимизда 4.7 % ини ташкил қилади.

Ўқув ёрдамчи хўжалигидан институт ҳисоб рақамига 2680.0 минг сўм, бу 3.4 фоизни ташкил қилади. Ва бошқа кичик фаолиятлар ҳисобидан 8587.8 минг сўм миқдорида пул маблағлари келиб тушади, яъни бу умумий даромаднинг 11.1 % ини ташкил қилади.

Бундан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолиятдан тушган маблағларнинг асосий ва истиқболли қисмини пуллик курслар (25.4 %), ҳамда илмий тадқиқотлар ва хўжалик шартномаларидан тушган маблағлар (23.4%) ини ташкил қилади.

2010 йилда давлат бюджетидан ажратилган маблағнинг 84.0 % иш ҳақи ва стипендияларга сарфланган бўлса, институтни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, сақлаш ва эксплуатация ҳаражатлари асосан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобиган амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларида кузатишимиз мумкин.

Институт ҳисобига тушаётган маблағлардан 2010 йил самарали фойдаланилмоқда. Масалан: 2010 йил бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши.

Қуйидагича сарфланади:

Харажатлар мазмуни қуйидаги жадвал маълумотларида кўрсатилган:

Иш ҳақи ва стипендия тўловларининг суммаси 727.3 суммаси, фоизда 74.0 %. Шу жумладан, ижтимоий ҳимояга 105.0, 10.6 фоиз, инвентар ва лаборатория жиҳозлари сотиб олиш 75.0 фоиздан 7.7 фоиз, жорий ва капитал таъмирлаш 73.8 умумий даромаднинг 7.5 фоизи сарфланган.

Маънавий-маърифий тадбирлар ва спортни ривожлантириш учун маблағларнинг сарфланиш, 47.2, бюджетдан умумий даромаднинг 4.5 % ини ташкил қилади. Бошқа харажатлар учун қилинган сарфлар 64.3 сўм, бу эса 6.3 % ини ташкил қилади.

Жами 2010 йил мобайнида қилинган харажатлар 988.2 ва 100 %.

Бюджетдан ташқари маблағларни 2011 йилда янада кўпайтириш ва илмий, ўқув ишларини янада такомиллаштириш мақсадида 0.06 гектар майдонга иссиқхона қуриб битказилди. Технология факультетида биологик усулда фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларини сақлаш бўйича илмий ишлаб-чиқариш лабораторияси иш бошлади. Институт лабораторияси 10 дан ортиқ фермер хўжаликлари билан 10 млн. сўмдан зиёд бўлган суммага хўжалик шартномаларини имзолади.

Бундан ташқари ҳар бир факультетнинг ўз таълим йўналишлари бўйича ҳомий ташкилотлар бўлиб, улардан мутахассислик кафедралари ўз филиалларини очишган. Ҳомий корхоналар, кафедра филиалларига белгиланган талабалар даражасида шароит яратиб бериш билан бирга талабаларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинган даврда рағбатлантириш, оммавий маданий тадбирлар ўтказиш, ота-онасиз ва кам таъминланган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ўқув хоналари ва талабалар уйини таъмирлаш, қисман лаборатория ашёлари билан таъминлаш орқали ёрдам кўрсатмоқдалар.

Масалан, “Наманган карбонам” х/ж 2004-2005 ўқув йили давомида 1240 минг сўмлик лаборатория анжомлари ва 500 минг сўмлик кимёвий реактивлар билан ҳомийлик кўрсатди. “Наманган консерва” ва “Наманган ёғ” ҳиссадорлик жамияти ҳам ўтган ўқув йилида лаборатория машғулоти учун ҳар бири 1 млн. сўмликдан лаборатория хом ашёлари ва асбоб ускуналарини олиб бердилар.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Наманган муҳандислик-педагогика институтида ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромад, пуллик курслардан тушумлар юқори салмоққа эга, олийгоҳ бизнес мактабига ўқувчиларни жалб қилиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

III-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Таълим соҳасини бюджетдан ташқари молиялаштириш масалалари

Давлатимизнинг олий таълим муассасалари бюджет ташкилоти ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун ташкил этилади. Унда нотижорат йўналишидаги ижтимоий-маданий фаолиятлар амалга оширилиб, у давлат бюджетдан тўлиқ ёки қисман, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

Таълим муассасасини бюджетдан ташқари маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.99. йилдаги 414-рақамли “Бюджет ташкилотларини молиялаштиришини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида амалга оширилади. Талабалар қабул қилиш гранти ва олий ўқув юрти моддий-техника негизининг ҳажми таълим муассасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар ойда таълим муассасасига зарур бюджет маблағини ажратади ва ана шу маблағ ҳисобидан ўз фаолиятини амалга оширади.

Давлат статистика вазирлиги маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 2010- 2011 ўқув йилида 62 та олий ўқув юрти (жумладан, 20 та университет) мавжуд бўлиб, уларда 232,3 минг (жумладан, кундузги бўлимларда 171,2 минг, кечки бўлимда 0,7 минг ва сиртқи бўлимда 4200 минг) талаба таҳсил олмоқда. Уларга 27652 та профессор-ўқитувчилар (штатдаги) таълим бериб келмоқда.

Бюджет маблағларининг чегараланганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли 1995 йилдан бошлаб олий таълим муассасалари фаолиятига бюджетдан ташқари маблағлар ҳам жалб этила бошлади.

Олий таълим вазирлигининг иқтисодиёт инвестициялар ва маркетинг хизмати бош бошқармаси томонидан олий ўқув юртлар бюджетдан ташқари маблағларини топиш бўйича қуйидаги йўналишлар аниқланган:

- ўқувчиларни олий мактабга тайёрлаш;
- корхоналар ва айрим ташкилотлар билан тузилган битимлар асосида ўқитиш;
- олий ўқув юртига тўлов-контракт асосида қабул қилиш;
- кадрларни қайта тайёрлаш, иккинчи мутахассисликни эгаллаш;
- магистрларни тайёрлаш;
- хусусий тўлов асосида консультациялар ва семинарлар ўтказиш;
- олий ўқув юртларида ҳар хил йўналишлар бўйича махсус сертификатлар олиш учун ташкил этилган курслар ва бошқа бўлимларда берилган қўшимча таълим.

Масалан, иқтисодий ва тижорат бўйича бухгалтерлик курсларини, брокерлар курсини ташкил этиш, ҳужжатлаштириш (котиба, референтлар, иш юритувчилар ва ҳ.к. тайёрлаш), информатика (компьютер операторларини, компьютер техникасини дастурлар билан таъминлайдиган, тузатадиган, ишга туширадиган ва эксплуатацияни амалга оширувчи ходимларни тайёрлик курслари) ва сервис ишларини амалга ошириш, шунингдек, олий ўқув юртларида тайёрланадиган бошқа мутахассисликлар бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш.

II. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

- билим асосида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари;
- консалтинг фаолияти;
- янги ва юқори технологияларни жорий этиш;
- олий ўқув юрти олимлари кашфиётлари ва тадқиқотларининг патент ва лицензияларини сотиш;
- тижорат фирмалари ва корхоналари билан илмий тадқиқот марказларини тузиш;
- аудиторлик фаолияти.

III. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича:

- хорижлик талабалар, магистрлар, стажёрлар ва аспирантларни ўқитиш;
- чет эл олий ўқув юртлари билан қўшма факультет тузиш;
- хорижлик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш;
- чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастурларини ташкил этиш;
- чет эл олий ўқув юртлари билан республика талабаларини ўқитиш бўйича алоқалар ўрнатиш.

IV. Тижорат фаолияти бўйича: дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услугий ва оммабоп адабиётларни чоп этиш, оммавий ахборот воситалари орқали реклама фаолиятини, радио ва телеканалларни ташкил этиш, илмий ускуна ва асбобларни ижарага бериш, тармоқли технологиялар асосида ахборот бизнес-марказини, ахборотларни сотиш марказларини ташкил этиш.

V. Аҳоли, олий ўқув юрти ходимлари ва талабалар учун хизматлар соҳасини яратиш, умумий овқатланиш, даволаниш ва соғломлаштириш хизматлари, санаториялар, профилакториялар, спорт комплекслари, болалар боғчалари, маиший ва бошқа хизматлар.

VI. Ҳомийликлар:

- ҳар хил мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ҳомийлик маблағларини жалб қилиш;
- хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (капитал таъмирлаш, ўқув корпусларини жиҳозлаш, территориясини ободонлаштириш ва бошқарув);
- ускуналарни пулсиз ўтказиш (аудио-видео, компьютер, оргтехника, ўқув-лаборатория ускуналари каби);
- кутубхона фондини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, каталоглар, бадий адабиётлар ва ҳоказо);
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш (кичик босмахоналар, авто транспорт, ўқув-лаборатория ускуналари, ўқув адабиётлари).

VII. Олий ўқув юртининг хайрихоҳлик кенгаши фаолияти:

- хайрихоҳлик кенгаши устав фонди;

- фонд даромадлари;

- ихтиёрий тўловлар, жисмоний шахслар, ижтимоий-иқтисодий корхоналар ва ташкилотлар, хориж мамлакатлари, банк кредитлари, бошқа тушумлар.

1997-1998 ўқув йилида бюджетдан ташқари топилган маблағлар 2,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2009-2010 ўқув йилида эса 89,7 млрд. сўм ёки 20,7 марта кўп маблағ топилган².

Натижада олий таълимни молиялаштириш манбаалари таркибида бюджетдан ташқари маблағларнинг салмоғи ҳам ортган. Масалан, 2009-2010 ўқув йилида олий таълим учун жами 79,9 млрд. сўм, шу жумладан, давлат бюджетида 34,3 млрд. сўм (42,2%), бюджетдан ташқари маблағлардан 45,7 млрд. сўм (57,8%) сарфланган.

Олий ўқув юрларида бюджетдан ташқари маблағларнинг асосий қисмини тўлов контракт шаклида йиғиб олинadиган тўловлар ташкил этмоқда. Масалан, 2009-2010 ўқув йилида уларнинг ҳажми 40,4 млрд. сўмни ташкил этиб, бу умумий тушумнинг 88,6 фоизни ташкил этган. Бошқа турдаги фаолиятлардан олинган даромадлар 5,7 млрд. сўмни ташкил этиб, улар умумий тушумнинг 11,4 фоизни ташкил этган, ҳолос.

2000-2010 йиллар мобайнида контракт бўйича ўртача даромад ҳажми бўйича қуйидаги тенденцияни кузатиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистонда тўловли таълим бозори бошланғич даврида ўзининг ноқатъийлиги билан ҳаракатланади.

Айрим мутахассисликлар бўйича тўлов ҳажми асоссиз равишда ўрнатилгани сабабли, улар бир-биридан нотекис равишда фарқ қилган. Бунга Самарқанд кооператив институти ва Тошкент жисмоний тарбия институти мисол бўла олади. Тўлов ҳақи 1997-1998 ўқув йилида 187 минг сўмдан бошланиб, кейинги 1998-1999 ўқув йилида у 59 мингга тушиб қолган, яъни уч мартага камайган. Агар инфляция даражасини ҳам ҳисобга олсак реал тўлов суммаси шу даврда 8-9 марта камайган. Бундай ҳолатга фақат

² Иқтисодий ахборотнома №1 (89), 2010 йил

тўловнинг биринчи йилида контракт суммасининг асосланмаган ҳолда ошириб юборилгани сабаб бўлган.

Иккинчидан, тўловдаги фарқларга қарамасдан юриспруденция ва тиббиёт мутахассисликларига талаб ва эҳтиёж катта ҳисобланади. Лекин уларга белгиланган бирламчи тўлов суммаси асоссиз равишда ошириб юборилганлиги сабабли, улар кейинчалик 1,4 мартага камайтирилган. Тиббиёт таълими учун тўлов тадқиқот қилинаётган даврга нисбатан мўътадил ҳолда сақланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Тошкент шаҳри билан бошқа вилоятлар орасидаги умумий даромадлар бўйича сезиларли даражада фарқ мавжуд. Ундан ташқари, Тошкент шаҳри бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳам юқори ўринни эгаллайди. Бу ҳолат Тошкент шаҳрида олий ўқув юр்தларини молиялаштиришнинг янгича моделига ўтилаётганлигини кўрсатади.

Республикамиз бўйича бир талабага тўғри келадиган умумий даромад ҳажмида бюджетдан ташқари маблағлар салмоғи 1997-2000 ўқув йилида -35,3, 2000-2001 ўқув йилида -34,0, 2001-2002 ўқув йилида -46,7 2002-2003 ўқув йилида -42,3 ва 2003-2004 ўқув йилида -50,5 2009-2010 ўқув йилида -57,8 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, умумий даромадлар ҳажмида бюджетдан ташқари маблағлар улуши ўсиб борган, айниқса, 2007-2008 ўқув йилида у анча ўсган ва 57,8 фоизни ташкил этган.

Бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг асосий ҳаражат моддалари қуйидагилардан иборат бўлган:

- иш ҳақи ва иш ҳақиға ажратмалар;
- материал ва ускуналар сотиб олиш;
- талабаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш;
- бошқалар (ўқитувчилар таркибини янгилаш, овқатланиш, ётоқхона, жорий ҳаражатлар, транспорт, капитал таъмирлаш, қурилиш ва ҳаказолар).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аён бўлдики, 2005-2010 йилларда харажатларнинг асосий қисми иш ҳақи ва стипендияларга сарфланган. Демак, маълум бўладики, олий ўқув юртларида бюджетдан ташқари маблағларга илмий тадқиқот фондини мустаҳкамлаш базаси сифатида эмас, балки иш ҳақини ошириш манбаи сифатида қаралмоқда.

Шундай қилиб, таҳлил натижалари бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Олий мактаб ривожи ҳудудлар, мутахассисликлар ва харажат моддалари бўйича ўзининг номутаносиблиги, нотекислиги билан характерланади. Олий ўқув юртлари орасида бир талабага тўғри келадиган (сиртки ва кундузги) таълим даромади ҳажми бўйича Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудлар ўртасида сезиларли тафовут мавжуд. Баъзи йилларда бу фарқ ўртача Ўзбекистон кўрсаткичидан 1,4 марта, энг кичик даромадли ҳудудлардан эса 2 марта кўп фарқ қилган. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ўртача бир талабага тўғри келадиган даромад ҳажми бўйича эса тафовут ундан ҳам юқори. Мисол: 1998-1999 ўқув йилларини оладиган бўлсак Тошкент шаҳрида Наманган вилоятига нисбатан фарқ 6 марта кўп бўлган.

3.2. Таълим соҳасини молиялаштиришда бюджет маблағи ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари

Ижтимоий барқарорлик дегани, ижтимоий-иқтисодий тизим ҳамда шахснинг иқтисодий талабларининг қондирилиши, атроф-муҳит, экологик шарт-шароитлар жамият манфаатлари билан мослиги, шахс ижтимоий тараққиётининг барқарорлиги тушунилади. Чунки жамиятнинг табақаланиш жараёни кучайиши нафақат мулкӣ даражага, балки аҳолининг касбий ва таълим даражасига ҳам боғлиқ.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, “агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қолоқликдан қутулмоқчи бўлсак, ёшлар билан жуда жиддий шуғулланишимиз, замонавий касбларни эгаллашда уларга ёрдам

беришимиз шарт, чунки ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари тарбиялаш, ўқитиш, малакасини ошириб бориш ижтимоий тараққиётнинг гаровидир. Шу билан бирга, ўтиш даври қийинчиликлари шароитида аҳолининг даромадларини ҳисобга олиш ва таълимга бўлган талабини қондиришга ижтимоий ҳимоянинг бир тури сифатида қараш ўринли бўлади.”³

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” юртимиз таълим амалиётида тўпланган амалий тажрибалар ва ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган. 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Миллий дастур таълим тараққиёти, миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида таълим хизматлари ва меҳнат бозорларини шакллантириш, ўрта махсус касб-хунар таълими учун сарфланаётган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг янги усулларини излаш вазфасини тақозо этади.

Инсонга муносиб турмуш ва зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш туфайли вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқ, ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, уларни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари такомиллаштирилмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётни эркинлаштириш бозор механизминини такомиллаштириш ва ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб бориш, иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда.

Ушбу жараёнда давлат бюджетидан маблағ билан таъминладиган тармоқлар, яъни таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунингдек, маблағларнинг самарали тақсимланишда ижтимоий соҳа муассасаларига эркинлик бериш ва уларнинг бюджетдан ташқари даромадлар олишлари учун имкониятлар яратиш, ижтимоий хизмат сифатини ошириш, мазкур соҳа муассасалари орасида

³ Ислон Каримов. “Баркамол авлод” асари. 1999 йил. Тошкент “Меҳнат” 105-бет

рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради. Шу боис мамлакатимизда ижтимоий муассасаларнинг молиявий таъминотини такомиллаштиришда, бизнингча, қуйидагилар инобатга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- Жумладан, олий таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг бошқарувчи, йўналтирувчи роли сақланиши лозим. Таълимнинг қандай тармоққа тегишли бўлишидан қатъий назар давлат инвестицияси сақлаб қолиниши керак, чунки жамиятнинг ривожига олиб келади;

- Профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва бунда индивидуал ёндашувни тадбиқ қилиш, олий таълим сифатини яхшилашда аҳолининг турли талабларини инобатга олиш;

- Олий таълимнинг муаммоларидан яна бири-ўзгариб бораётган демографик омиллар ва минтақаларнинг ишлаб чиқаришга нисбатан ихтисослашувини, тадбиркорликнинг янги истиқболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, келгусида касбга бўлган талабларни ўрганиш асосида олий ўқув юртларига қабул қилиш режаларини янада аниқроқ ишлаб чиқиш;

- Касб йўналишларини танлашда тадбиркорлик ва хусусий бизнес вакиллари қатнашувини таъминлаш;

- Таълим стандартларини тайёрлашда ишлаб чиқариш, мутахассислар ва истеъмолчиларнинг талабларини биринчи ўринга қўйиш ва уларни ҳисобга олишнинг ҳуқуқий базасини яратиш;

- Мавжуд олий ўқув юртларининг иш фаолиятини ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, бозор талаблари даражасидаги мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилиб, нафақага чиқиш арафасида бўлган ишчи мутахассисларнинг ҳисобини юритиш, бушаган иш уринларини малакали мутахассислар билан тулдириш ижобий натижа беради.

Ҳозирги кунда Республикамизда ҳам Олий ўқув юртларини молиялаштириш бўйича ривожланган давлатлар таълим тизимини

молиялаштиришнинг янгича моделларидан фойдаланилмоқда. Умумий молиялаштириш ҳажмида бюджет маблағларининг улуши камайиб, бюджетдан ташқари маблағлар улуши ортиб бормоқда; агар 2000-2001 ўқув йилида бу нисбат 65,0 фоиз ва 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2009-2010 ўқув йилида 42,2 фоиз ва 57,8 фоизни ташкил этган, 2000-2001 ўқув йилида бюджет маблағлари 2/3 қисми, бюджетдан ташқари маблағлар эса 1/3 қисми ташкил этган бўлса, 2009-2010 ўқув йилида бу нисбат бутунлай ўзгарган, яъни бюджетдан ташқари маблағлар 2/3 қисмини, бюджет маблағлари эса 1/3 қисми ташкил этган.

Бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш таркибида маълум нохуш ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, бюджетдан ташқари маблағлар харажатларида иш ҳақи фонди улуши ортиб, материал ва ускуналар улуши камайиши тенденцияси мавжуд. Бу дегани, олий ўқув юртлари магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500 шу жумладан, 1500 давлат грантлари ва 5000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассислар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимланади.

Олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларига ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5665, шу жумладан, 1265 давлат грантлари ва 4400 тўлов-шартнома асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3-иловага мувофиқ тақсимланиши белгиланди.

Ушбу Қарорнинг 7-бандида эса Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги 2009-2010 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага белгиланган қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини ҳамда молиялаштириш тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган.

Шартнома асосида олий таълим соҳасида тўлов ҳажми мутахассисликлар бўйича ўзининг қатъий эмаслиги билан характерланади,

унинг бошланғич даврида баҳони асоссиз равишда ошириб юборилгани сабабли, улар 8-9 марта камайтирилган. Мутахассисликлар бўйича тўловлар ҳажми, бозор талабларини эътиборга олмаган ҳолда асоссиз ўрнатилган. Бюджетдан ташқари маблағларни компьютерлаштириш ва техник қайта куроллантиришга сарфлашда айрим мутахассисликлар орасида катта фарк кузатилган. Бунда иқтисодиёт ва юриспруденция мутахассисликларида кўп маблағ сарфланиб, қишлоқ хўжалиги ва маданият мутахассисликларида энг кам маблағ сарфланган. Масалан, 2006-2009 ўқув йилида “Иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича ускуналарга бюджетдан ташқари маблағлар сарфлаб, маданият мутахассислигига сарфлашга қараганда 43 марта юқори бўлган.

3.3. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларидан Ўзбекистон таълим тизимида унумли фойдаланиш

Республикаимиз таълим тизимида ривожланган давлатлар таълим тизимининг самарали томонларини тадбиқ этиш яхши натижалар беради.

Европа мамлакатлари, хусусан Франция, Германия олий мактабни бюджет ҳисобидан сезиларли даражада молиялаб ва давлат томонидан назорат қилиб, бозорнинг таъсиридан ҳимоя қилса, АҚШда олий таълим анъанавий тарзда федерал ҳукуматдан мустақил бозор тузилмалари билан мунтазам алоқада, ҳатто давлат таълим муассасалари ҳам пулли. Бироқ қуйидаги жадвал маълумотлари кўрсатадики, АҚШнинг олий таълимига ҳаражатлари шундай оқилона даражага эришганки, ундан ошиб кетса таълим муассасаси муҳторлиги ва ташқи ўзгаришларга бўлган акс таъсири шубҳа остида қолади.

**Буюк Британия, АҚШ ва Франция университетларидаги таълим
даромадлари манбаининг тузилиши (% ҳисобида) .**

Тўр	Манбалар	Англия	АҚШ	Франция
1	Давлат сармоялари			
	Жами:	85,5	51,1	99,0
	Шу жумладан:			
	марказлаштирилган	84,0	16,5	96,2
	штатлар сармояси	-	30,6	-
	маҳаллий маблағлар	1,5	4,0	2,8
2	Хусусий компаниялар ва хайрия ташкилотларининг сармоялари	2,5	6,9	
3	Талабалар ва улар оиласининг маблағлари	8,0	20,3	1,0
4	Олийгоҳларнинг шахсий даромадлари	-	11,4	-
5	Бошқа турдаги манбалар	4,0	10,4	-

Гарб мамлакатларидаги университетларда, молиялашнинг уч асосан манбаи бор, таълим фаолияти билан боғлиқ сарфлар шулардан қопланади. Ҳукумат гранти, талабалардан таълим учун олинадиган ҳақ, тижорат фаолияти туфайли олинадиган даромадлар ана шу уч манбаа ҳисобланади. Турли мамлакатларда улар нисбати турлича бўлиб, вақт-вақти билан ҳар бир мамлакатда бу нисбат ўзгариб туради.

Таълим муассасаси талабаларининг ўзлари ҳам кундалик сарф-харажатларини ўзлари кўтарадилар. Бунинг учун қуйидаги имкониятлар мавжуд: ота-оналарининг маблағи, ҳукуматдан олинган индивидуал грантлар, талабаларга тарқатиладиган махсус заёмлар, қўшимча даромадлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, тизимдан, жамиятдан ёки қайси мамлакатлигидан катъий назар чиқимлар у ёки бу тарзда қуйидаги тўрт манбадан олиниши мумкин:

Ота-оналар;

Талабалар;

Солиқ тўловчилар;

Таълим муассасаси.

Юқорида кайд этилган молиялаш манбаалари икки гуруҳга ажратилади: давлат ва хусусий.

Кўпгина чет эл мамлакатлари бюджетни мувозанатлаштириш мақсадида давлат харажатлари ҳажмини қисқартиришга ҳаракат қилади. Ҳатто Ғарбий Европада молиялаш ҳукумат грантидан очиқ-ойдин олий ўқув юртининг тижорат фаолиятидан ёки таълим учун тўловдан келадиган даромад томон силжимоқда. Германия каби мамлакатларда таълим учун тўлов амалда номинал тарзда, Буюк Британияда эса анча сезиларли даражада, лекин кўп мамлакатларда бу харажатларнинг оғирлиги талаба яшайдиган туман ёки шаҳар зиммасига тушади, ҳукумат таълим муассасаларига таълим учун мустақил ҳақ белгилашни таъқиқлайди.

Ҳозирги пайтда кўпгина ғарб мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлашни таълим муассасаларининг ўзлари белгилайди ва молиялаш талабалар томонидан амалга оширилади. Бу ҳолат таълим даражасини кўтаришга имкон беради, чунки талабалар ўзлари танлаган ўқув юртларига юқори талаб қўядилар.

Ҳамон талабалар олий таълим тизимида асосий таълим хизматини талаб қилувчилар экан, келгусида бутун дунёда таълим харажатларини улар ўзлари молиялаштиришни адолатли ҳисоблайдилар. Анча юқори меҳнат унумдорлигини ва умуман аҳоли анча юқори даромадини таъминловчи меҳнат ресурслари таълим даражасини ошириш ҳисобидан жамият ютади, бу-таълимга кетадиган харажатлар бир қисмини ҳукумат молиялаш маъқул эканлигини кўрсатади.

Кўпгина ғарб мамлакатларида ҳозирги пайтда бу нисбат кўпроқ талабалар ҳисобидан молиялаш кўзда тутилмоқда. Шундай қилиб, талабаларни индивидуал тарзда бюджетдан молиялашнинг пасайиши юз бермоқда.

Баъзи мамлакатларда талабаларга кредит бериш ривожланмоқда. Талабалар ўз таълими учун харажатларнинг бир қисмини ўз иш ҳақлари ҳисобидан молиялашга интилишмоқда. Бу ўқув муддатини узайишига ва таълимнинг анча мослашувчан бўлиб юзага келиш олиб келмоқда. Аммо, таълим учун талабалардан олинадиган ҳақ, ҳатто АҚШ даги давлат таълим муассасаларидаги таълимга сарфларнинг фақат 20% ини қоплайди ҳолос, (хусусий ўқув юртларида 33%). Қолган сарфлар давлат ва хусусий бўлган манбаалардан молияланади. Кўпгина мамлакатларда олий таълимни давлат молиялашини лимитловчи бюджет тақчиллиги йилдан йилга сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам чет мамлакатларда ҳам таълим муассасасининг кўшимча манбааларини излаб топиш ҳуқуқи берилади.

Тижорат фаолияти қуйидаги турли шаклларда олиб борилади:

- университет майдонлари ва жиҳозлардан конференциялар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказишдан фойдаланиш;

- таълим муассасалари кўрсатадиган хизматлар ёки уларга тегишли у ердан фойдаланувчи фирмаларни тузиш.

Университетларга даромад келтирувчи самарали тизимни барпо этиш йўлида амалий қийинчиликлар, масалан, фойдани таълим муассасалари ва фирмалар ўртасида тақсимлаш вужудга келади. Таълим муассасаларига тижорат фаолиятидан келадиган фойда қайта инвестицияга йўналтирилса, бундай ҳолларда таълим муассасаларига бериладиган солиқ имтиёз сезиларли аҳамият касб этади.

Бино, лаборатория, компьютер марказига кўшимча сарфларсиз ва профессор-ўқитувчиларни кўшимча жалб қилмай талабалар қабулини ошириш таълим муассасалари самарадорлигини оширишнинг энг осон йўли ҳисобланади.

Масалан: Буюк Британияда ҳозирги кунда қуйидаги тадбирларга асосан мутахассислар етиштиришга эътибор қаратилмоқда:

- курслар муддатини қисқартириш;
- академик йилни, ёзги таълимни ҳам қўшиб ошириш;
- сиртқи ва кечки таълимни анча кенгайтиришдан фойдаланиш;
- катта гуруҳларда маъруза ўқиш.

Таълим самарадорлиги анча тез суръатлар билан ошиб бораётган мамлакатларда вақти-вақти билан ҳам таълим, ҳам илмий жараёни баробар баҳолашга ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Буюк Британияда бундай баҳолашлар натижасида таълим муассасаларига уларни яхшилаш хусусида тавсиялар берибгина қолмай, балки бюджет соҳасида ҳам маълум силжишлар юз берди. Бунда барча таълим муассасаларини рейтинг асосида баҳолаш амалга оширилмоқда ва ҳар йили бир тоифадаги университетлар гуруҳини миллий даражалаш жадвали эълон қилинади. Юқори рейтингга эга таълим муассасалари ёки таълим сифати учун анча юқори балл олганлари қўшимча молиялашга сазовор бўладилар.

Бюджет маблағи тежаладиган Япония тажрибасини кўриб ўтайлик. Япония таълим тизими мамлакат умумбюджети учун нисбатан арзон тушмоқда: Япония ҳукуматининг таълимга қиладиган сарфи ялпи миллий маҳсулотнинг 5,5-6% ини ташкил этади. АҚШ да эса бу кўрсаткич 7,1 % ни, Буюк Британияда эса 7,7 % ни ташкил этади. Бизнинг республикамизда эса таълим соҳаси учун ялпи миллий маҳсулотнинг 60,1% и сарфланмоқда⁴.

Лекин шунга қарамай юқоридаги ривожланган мамлакатлар ўқувчилари ва талабалари кўпгина кўрсаткичлар бўйича бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан узиб кетишган.

Бундан кўринадики, япон таълим тизимининг асосий устунлиги иқтисодга институционал ўзига хосликка, хусусан, давлат ва хусусий шўба

⁴ Интернет сайти www.budget.ru

нисбатига ва ўқув юртларини молиялашнинг ўзига хослигига бориб тақалади.

Японияда олий таълим элитар, яъни барча хоҳловчиларга очиқ эмас. У ҳам давлат, ҳам хусусий таълим муассасаларига таянади. Япония ҳукумати таълим соҳасини олий мактаб тизимига қолдиради: давлат университетлари, асосан, табиий-илмий, муҳандислик фанлари бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланган ва шуғулланмоқда; нодавлат университетлар, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган. Маълумки, давлат кўп сарф талаб этадиган ихтисосликка эга бўлишини таъминлайди. Маълумки, замонавий муҳандисни тайёрлаш, ҳуқуқшунос ёки иқтисодчини тайёрлашдан кўра қимматга тушади. Шундай қилиб, хусусий таълим муассасалари кўп сарф талаб ва назарий фанлар билан боғлиқ ихтисосликлар олишга қўйилган бошланғич маблағлар қайтмаслиги хавфи туфайли имконият яратмай қўйиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, япон таълим тизими ўз муваффақияти учун ҳам ҳукумат бошқарув тузилмаси даражасидаги, ҳам давлатнинг ўзидаги ва нодавлат олий ўқув юртларидаги менежментлик маданияти юқорилигидан миннатдор бўлса арзийди.

Таълим муассасаларини молиялашнинг асосий манбаалари (давлат ва хусусий манбаалар)га қайтиб, олий таълим тадқиқотлари консорциум ва ЮНЕСКО нинг Олий таълим бўйича Европа маркази (СЕПЕС) экспертлари фикрини келтириш ўринлидир. Улар соф давлат ёки мутлақо хусусий тарзда таълим муассасаларини молиялашдан кўра аралаш молиялаш анча самарали деб ҳисоблашади. Бу, ҳам давлат, ҳам хусусий таълим муассасалари учун бирдек самаралидир.

Энди АҚШ таълим муассасаларини молиялаш тизимига эътибор берайлик: олий маълумот номини берувчи АҚШдаги 3500 та таълим муассасасининг ярмидан кўпроғи-хусусий корпорация, маъсулият ҳомийлар зиммасига юклатилган бўлиб, улар машҳур собиқ битирувчилар ва бошқа

ёрдам кўрсатувчилардан иборатдир. АҚШдаги машхур тадқиқот университетларининг кўпчилиги Гарвард, Стэнфорд, Степ, Чикаго университетлари ва бошқа ном қозонган коллежлар: Уилямсдаги, Каретондагилар хайрияларининг сезиларли қисмини оладилар. Бу уларга таълим учун юқори даражада ҳақ олиш имконини беради.

Охирги ўн йилликларда АҚШ даги хусусий таълим муассасаларининг сони давлатга қарашлиларникидан кўра ошиб кетди, аммо, улардаги талабалар сони биринчи галда, таълим учун ҳақ юқорилиги, шунингдек, давлат таълим муассасаларида ҳам айтилган бир хил диплом олиш мумкинлиги туфайли қисқариб кетади. АҚШ хусусий таълим муассасалари ўз ҳажмига кўра давлатникидан анча кичикдир.

Америка таълим муассасаларини молиялаш беш асосий манбаадан амалга оширилади:

- федерал бюджет, штат бюджети ва маҳаллий ҳокимиятдан ажратилган маблағлар;
- таълим ва хизматлар учун талабаларнинг тўловлари;
- таълим муассасасининг ўз фаолиятидан оладиган даромадлари;
- хусусий ташкилотлар ва шахслар тузган махсус жамғармаларда тўпланган маблағлардан фоизлар.

Давлатнинг олий таълимга ёрдами таълим муассасаси умумий даромадининг ўртача 40-45 %ни ташкил этади ва қуйидагича тақсимланади: федерал ҳукумат бюджетидан 10-15 %, штатлар бюджетидан 25-30%, маҳаллий ҳокимият бюджетидан 2-5%.⁵

Малакатимизда эса давлатнинг олий таълимга ёрдам таълим муассасаси умумий даромадининг ўртача фоизини ташкил этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, олий таълимнинг давлат ёки хусусий шўъбаси кўп ёки кам самаралилиги хусусида бирдек маълумот ва далилларни учратиш қийин.

⁵ Саидов М.Х. Совершенствование финансирование и укрепление материально – технической базы образовательных учреждений. « Учитель Узбекистан » №47, 2000

Хусусий таълим муассасаларига эга мамлакатлар ҳам асосан давлат таълим тизими шаклланган давлатлар эришган натижаларни қўлга киритмоқда, ёки аксинча хусусий таълимнинг кенг тарқалиш таълим соҳасида унчалик яхши натижаларга олиб келмаяпти.

Шундай қилиб, кейинги ўн йилликларда мумтоз университетлар, умумжаҳон йўналиши олий таълим иқтисодидаги қуйидаги умумий йўналишни белгилаш имконини беради:

1. Европада кўпгина мамлакатларда кейинги бир неча йиллар мобайнида айрим жойларида мутлақо олий таълимни молиялашнинг пасайиши юз берди. Дунёдаги йирик университетларнинг барчаси ўз сарфларини фақат ижтимоий соҳалардагина эмас, балки ўз профессорларини хизмат сафарига юбориш ва таклиф этилганларини қабул қилишда ҳам қисқартирмоқдалар.

Масалан: Германиянинг фарқи бўлган Гейдельберг университети барча ўқув-илмий лабораторияларини мунтазам таҳлилини, у университетга қандай фойда келтириши нуқтаи назаридан ўтказди.

2. Ривожланган мамлакатлар кўпчилигининг таълим муассасалари давлат томонидан молияланадиган ўқув-илмий ва маданий марказдан тобора кўпроқ, корхона барча хусусиятларига эга бўлган бозор иқтисодиётининг иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган турли шаклларнинг сони кўпаймоқда, илмий тадқиқотлар, фирмалар ёки хусусий жамғармалар томонидан молияланмоқда; таълимнинг турли шаклларида мутахассислар тайёрлаш таннархи буйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда.

3. Таълим муассасалари таклиф этаётган қўшимча таълим хизматининг кескин ўсиши, шу жумладан таълим муассасасини тугатгандан кейин ҳам таълим хизмати кўрсатиш. Бу жараёни давлат ҳам рағбатлантирилмоқда, чунки юқори малакали мутахассисга эҳтиёж юқоридир. Таълим муассасалари ҳам, хусусан, иқтисодий жиҳатдан, қўшимча таълим кўрсатиш тизимини ривожлантиришдан манфаатдор. АҚШда, масалан, таълим муассасалари

диплом олгандан кейинги таълим ва кўшимча таълим хизмати кўрсатишдан бакалавриатдан келадиган кўра кўпроқ даромад оладилар.

4. Таълим муассасаларининг тобора кўпроқ мухтор бўлишга интилиш, яъни таълим муассасалари борган сари давлат томонидан камроқ даражада, кўпроқ эса таълим муассасаси ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига молияланмоқда.

Ўзбекистон олий ўқув юртларининг харажатларининг молияланиши давлат бюджети ҳисобидан 41,5% , бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ва тижорат фаолияти ҳисобидан 58,5 % изи қопланаётганлиги фикримизга далил бўла олади.

Таълим муассасаси фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш тартиби яратилмоқда. АҚШ да давлат, масалан, аккредитацияланган турли (касбий ёки ҳудудий) агентлар ишини рағбатлантиради. Францияда таълимни баҳолаш бўйича махсус Миллий қумита тузилган.

Жаҳон микёсида таълим соҳасининг ривожланишига хос бўлган умумий тамойиллар таъсиридан қутулишнинг имконияти йўқ. Хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги зиддиятлари ва муаммолари республикамиз таълим тизими учун ҳам хос. Демак, олий таълим тизимини бошқариш ва молиялаштириш услубларини тубдан янгилаш чоғида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш ўринли. Бундан шундай хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

- Республикамиздаги олий таълим тизими бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бундай молиялаштириш йўналишларини бугунги кунда чуқур таҳлил қилиб, излаб топиш керак. Бу борада аввало пуллик маориф хизматини йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эга;

-Олий таълим масканларининг ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга нотижорат ташкилотлар сифатида солиқ имтиёзларини татбиқ этиш ўринлидир.

-Давлат бюджети ҳисобидан олий ўқув даргоҳларини молиялаштириш мушкул эканлигини эътиборга олиб, улар фаолиятини бюджетдан ташқари маблағ билан таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг иши учун қулай шароитлар яратиш лозим.

3.4 Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш-замон талаби

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

ДТСларини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ҳам юқорида зикр этилган дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Яқин 5 йил ичида олий таълим муассасалари учун фан ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда 400 та янги дарслик, 800 та ўқув-услубий қўлланма яратилади. Буларга қўшимча тарзда яратиладиган 6 мингдан зиёд ўқув-методик комплекслар олий таълим жараёнига мультимедия ўқув воситалари ҳамда масофадан туриб ўқитиш усуллари жорий этиш имконини бермоқда.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари битирувчиларига қатъий талаб қўйилмоқда: 1) улар замонавий компьютер ва ахборот технологияларини; 2) хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал билиши керак. Бу жиҳатдан ўқув дастурларини ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш кўзда тутилган.

Талабаларнинг халқаро таълим ресурсларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида яқин йиллар ичида олий таълим муассасалари учун битирувчи замонавий оптик толали ягона компьютер тармоғи ишга туширилади. Юқори тезликдаги Интернетга уланувчи ушбу тармоқ ёрдамида мамлакатимиз ҳамда хориждаги таълим муассасалари билан алоқа боғлаш, видео-конференциялар ўтказиш мумкин бўлади.

2011 йилда умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, халқ таълими тизимида ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилиб, реконструкция қилинган. 151 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари белгиланган муддатда ва сифатли бажарилган. Таълим муассасаларида қурилиш-тиклаш ишлари сарҳисоб қилиниб, 2012 йилда бу борада амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 22 сентябрдаги ПҚ-1620-сонли қарори билан 2012 йилда жами 349 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга жами 155,3 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган⁶.

Бундан ташқари, уй-жой массивлари ҳудудида республика бўйича жами 14 та умумтаълим мактабининг (12,3 миллиард сўм) янгидан қурилиши ҳам режалаштирилган. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилиб, 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ZiyoNET электрон ахборот тармоғига уланган. Бу ўз навбатида ўқувчиларни интернет тармоғидаги турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш имконини беради.

Халқ таълими тизими учун ҳукуматимиз томонидан 2000 йилда бюджетдан 168 миллиард 660 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3,3 триллион сўмни ташкил этган (қарийб 20 баробар

⁶ Мусаев Ж. Устувор вазифалар белгиланди. // Маърифат, 2012 йил 1 февраль.

ортган). 2011 йилда эса тизимга 4,2 триллион сўм ажратилди, яъни бу миқдор ўтган йилга нисбатан ҳам 28 фоиз кўп демакдир.

Устоз ва мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга йўналтирилаётган Директор жамғармаси учун ажратилаётган маблағлар ҳам йилдан-йилга муттасил ошиб бормоқда. Шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурининг ижросини таъминлаш ҳамда халқ таълими тизимида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 2011 йилда 16,3 миллиард сўм бюджетдан ташқари маблағ топиш режалаштирилган бўлиб, мазкур режа амалда 20,9 миллиард сўм (128,0 фоиз)га бажарилган. Ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 миллиард сўм (165,8 фоиз)га кўпдир.

2012 йилда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнларини мазмунан бойитиш, бунда раҳбар-ходимлар масъулиятини ошириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини халқ таълими тизимида ўрганишни ташкил этиш ва унда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини қатъий назоратга олиш, давлат педагогика институтлари, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини малакасини ошириш институтида ва барча ҳудудий малака ошириш институтлари педагогик жамоаси, тингловчи ва талабалари учун махсус факультатив ўқув курси дастурини тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 26, 27, 28, 30-моддалари талабаларига асосан, умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига тўлиқ жалб этиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла кенгашлари ҳамда ота-оналар ҳамкорлиги зарур.

Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида (2012 йил январь) Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилган таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлилидан келиб чиқиб, республикамизнинг барча жойларида моддий-техник базани асраш, ўқув жиҳозлари ва ускуналаридан таълим-тарбия жараёнларида самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг зарурати ҳамда бу борада раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

- Мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозок, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

- Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида таълим муассасаларидаги жиҳозланган физика лаборатория хоналари сони 6962 тага, кимё лаборатория хоналари 6682 тага, биология хоналари 6682 тага ошди.

- Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди (“Халқ сўзи”, 2012 йил 18 февраль).


- 2004-2009 йилларда 1607 та мактаб ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактаб телефон алоқасига, 1076 та мактаб эса марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

- 1991-2003 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида 1 миллион 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

- Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида эса 2004-2009 йилларда республика бўйича 3 миллион ўқувчи ўринли 8501 та мактабда қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Жумладан, 351 116580 ўқувчи ўринли) янги мактаб биноси қурилди, 2470 та (851294 ўқувчи ўринли) мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 та

(2044942 ўқувчи ўринли) мактаб капитал, 2072 таси эса жорий таъмирлашдан чиқарилди. Ушбу мақсадларга жами 1,4 триллион сўм сарфланди.

- Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси (16 фоиз) шаҳарларда, 6887 таси (81 фоиз) қишлоқ ҳудудларида, 288 таси эса (3 фоиз) бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу билан шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди.



3.4.1.1-расм. 2005-2011 йилларда умумтаълим мактабларини ўқув-лаборатория хоналари билан жиҳозлаш кўрсаткичлари.

- Таълим соҳаси ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилди. Масалан, кейинги 10 йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртларида иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп ўсди. Ўзбекистон таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик ҳаражатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этиб, бу тизимнинг давлат бюджети ҳаражатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда (8.3.2-расм).

- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги, ишга қабул қилиш шартномаларини тузиш

механизми шакллантирилиб, улар билан 13338 та шерикчилик шартномаси имзоланди.

- Микрокредитбанк томонидан битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш бўйича ишлар ташкил этилди. Биргина 2009 йилда 923 нафар битирувчига 962 миллион сўм миқдорида микрокредит маблағлари ажратилди.

2010 йил 28 сентябрда Президент фармойиши билан ташкил этилган, ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган, 2011-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган Дастур маъқулланди.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган.

Аввало, ушбу дастур 1) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган; 2) юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган; 3) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурни амалга ошириш учун молиявий ҳаражатларни акс эттиради;

Қарорга кўра, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Қарорга кўра, Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича киритиладиган таклифларда: 1) ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификацияси такомиллаштирилиши; 2) “доцент” ва “профессор” илмий унвонларини бериш тизимининг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз малака ва педагогик маҳоратини мунтазам равишда оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш; 3) юқори малакали ўқитувчиларга касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш каби масалалар кўрсатиб ўтилган.

Таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, 2004-2011 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди.

Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд ДТСлари янгидан таҳрир этилиб, ўқув дастурлари модернизация қилинди. Қирғиз, қозок, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4- ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7- синфларда информатика фанларидан ДТС янгидан яратилди. Бошланғич синфларда билим, кўникма ва малака меъёрлари ишлаб чиқилди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТСлари янги таҳрирдан ўтказилганда қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

1. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синф учун алоҳида белгилаб берилди.

2. ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

Янги таҳрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларини босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказиш белгиланди.

Айтиш жоизки, таълим сифати ва самарадорлиги педагогнинг касбий салоҳияти, педагогик маҳоратига бевосита боғлиқ бўлгани сабабли «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янги тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган (8.4.1-расм).

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида малака ошириш тизими янада такомиллаштирилди, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сурхондарё, Сирдарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги малака ошириш институтлари учун ўқув ва ётоқхона бинолари ажратилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Бугунги кунда, таълим муассасасининг буюртмасига асосан, педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «режали-мажбурий» тизимидан «йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез

суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.



3.4.3.-расм.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2010 йил 10 ноябрда имзоланган Президент қарорининг моҳияти илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этишга қаратилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий

ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 20 майда имзолаган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу таълим босқичи тараққиётини янги босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу қарор билан 2011-2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастур тасдиқланди. Мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад-олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман, илм-фан соҳаси ходимларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораториялар ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада маблағ билан таъминлаш таклиф этилди.

Ёшларни жисмонан чиниққан, мард, билимли, қатъиятли, она Ватанини химоя қила оладиган авлод сифатида камол топтириш учун уларнинг жисмонан ривожланишга хизмат қиладиган масканларни барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш борасида катта ишлар қилинаётгани ёшларимиз олдида кенг имкониятлар очилишига асос бўлди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва 260 минг нафардан зиёд бола спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилди.

Жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли-«**Умид нихоллари**», «**Баркамол авлод**», «**Универсиада**» республика спорт мусобақалари орқали болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавийлиги таъминланди.

Ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда (8.4.2-жадвал).

Жумладан, 2010 йилда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш доирасида 14 та умумтаълим мактаби, 4 та академик лицей, 99 та ўқувчи ва талабалар турар жойини, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Термиз давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги ўқув биноларини қуриш, Тошкент Молия институтининг ўқув биносини қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. 2010-2011 йиллар мобайнида янги стандартларни ишлаб чиқиш, ҳар бир умумтаълим мактабида, академик

лицей ва касб-ҳунар коллежида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиши ва фаолият кўрсатишига эришиш, ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув фильмлари, ҳар бир мактабгача муассасани ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедия дастурларини намоёниш қилиш учун DVD проигравателлари билан таъминлаш, умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланишини, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

3.4.4.-жадвал

2009 – 2011 йилларда чоп этилган ва 2012 йилда чоп этилиши режалаштирилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар								
Таълим тили	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил режа	
	Номда	Нусха	Номда	Нусха	Номда	Нусха	Номда	Нусха
Ўзбек тилида	45	19 730 044	66	28 294 921	47	14 900 597	28	9330946
Рус тилида	46	1 632 105	67	2 427 924	43	1 455 657	28	1270942
Қорақалпоқ тилида	48	475 655	69	649 162	49	366 029	30	243926
Қозоқ тилида	44	361 881	68	492 532	42	237 895	24	156123
Тоҷик тилида	44	369 852	68	540 869	42	289 095	24	195531
Қирғиз тилида	44	46 497	68	67 306	42	33 794	24	22122
Туркман тилида	44	42 828	68	63 204	42	32 664	24	21353
Жами	315	22 658 862	474	32 535 918	307	17 315 731	182	11 240 943

2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, муסיқа ва санъат мактаблари барпо этиш, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан 130 та спорт иншооти, 19 та сузиш ҳавзаси ва 65 та болалар муסיқа ва санъат мактаблари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мамалакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизга, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизга ошди.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 та медалга (51 та олтин) лойиқ топилган бўлса. 2011 йилда 182 та медаль (66 та олтин) жамғарди (“Халқ сўзи”, 2012 йил 11 февраль).

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари-“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

2011 йилда Давлат бюджети барча ҳаражатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилди. Бу 2010 йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу ҳаражатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланди.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. 2011 йилда ушбу тоифадаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилди. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 367 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилиш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш амалга оширилди. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкнинг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида қўшимча равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчилиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республика Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2011 йил 20 май) бу борада дастуриламал бўлди. Мамлакатимиздаги ёш, истиқболли мутахассислар дунёдаги етакчи илмий ва таълим марказларида бевосита малака оширмоқда. 2016 йилга қадар бу борада аниқ чора-тадбирлар жорий этилмоқда. Хусусан, стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг хорижда малака ошириши 1,5 марта, магистр ҳамда ёш ўқитувчилар учун эса 1,7 марта кўпаяди. Шу маънода, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш тизими ҳам ислоҳ этиляпти.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳлашича, юртимизда педагогик кадрлар малакасини ошириш бўйича 45 та муассаса мавжуд. Эндиликда улар 5 та ҳудудий ҳамда 10 та тармоқ малака ошириш муассасасига айлантирилади. 2012 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳрининг ўзида малака ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этадиган илмий-методик бош марказ ишга туширилмоқда. Ҳудудий малака ошириш муассасаларида бакалаврият ва магистратуранинг барча йўналишларида ўтиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар, яъни ўқув режаларининг биринчи блок фанларидан ҳамда иккинчи блок фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар малака ошириши мўлжалланмоқда. Тармоқ малака ошириш муассасалари умумқасбий ва мутахассислик фанларидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун режалаштирилмоқда. Илмий-методик марказ эса уларнинг ишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради. Шунингдек, у кадрлар тайёрлаш масаласида хорижий тажрибани ўрганиб, умумлаштириб, малака

ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларига татбиқ этиш билан шуғулланади. Ислохотлар жараёнида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимига бир канча янгиликлар жорий қилиниши ҳам кутилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда биринчи марта олий таълим муассасаларидаги ёрдамчи ўқув ходимларининг малакасини ошириш тажрибаси йўлга қўйилади. Дастур доирасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар каторида уларни янги ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилган. Демак, ёрдамчи ўқув ходимларининг малакаси ҳам шунга яраша бўлиши керак. Педагог кадрларнинг малакасини оширишда уларнинг компьютер технологиялари, инглиз тилини чуқур ўрганишига алоҳида урғу берилади. Янги турдаги малака ошириш муассасалари ишини ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилмоқда.

Дастурга мувофиқ, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳам тасдиқланди. Олий таълим муассасаларида ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, 14 та олий таълим муассасасида замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил қилиниб, яна 296 та лаборатория қайта жиҳозланади. Бу мақсадларга жами 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Режага киритилган 15 та замонавий илмий-тадқиқот лабораториясидан 2 таси Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатади. 7 таси ҳудудий университетлар базасида очилади. Бундай лабораториялар энг сўнгги талаблар асосида тўлиқ жиҳозланибгина қолмай, фаннинг долзарб муаммолари билан янада мукамал шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратади. Масалан, Қорақалпоқ давлат университетида Оролбўйи минтақаси биопотенциали бўйича экофизиологик тадқиқотлар, Қарши давлат университетида табиий бирикмалар ва полимерларнинг спектроскопик

тадқиқотлари, Урганч давлат университетида ресурсларни тежовчи қишлоқ хўжалиги технологияларини, Тошкент Кимё-технология институтида энергия тежовчи қурилиш материалларини яратиш бўйича, Тошкент тиббиёт академиясида эса тиббий-генетик, молекуляр-хужайравий, фармакологик ҳамда биологик тадқиқотлар олиб бориш имконини берувчи замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилади.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 76 олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингдан ошиқ талабалар билим олмоқдалар.

2010-2011 йиллар мобайнида Республикамизда тўлов шартнома бўйича ўртача даромад ҳажми турли хил бўлганлиги кузатилган. Бунга сабаб:

Биринчидан, тўловли таълим бозори бошланғич даврда ўзининг ноқатъийлиги билан характерланади. Айрим мутахассисликлар бўйича тўлов ҳажми асоссиз равишда ўрнатилганлиги сабабли улар бир-биридан катта фарқ қилади.

Иккинчидан, тўловдаги фарқларга қарамасдан ҳуқуқшунослик, тиббиёт мутахассисликларига талаб ва эҳтиёж катта. Лекин, уларга белгиланган бирламчи тўлов суммаси асоссиз равишда ошириб юборилганлиги сабабли улар кейинчалик 1,4 мартага камайтирилган.

Бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг асосий моддалари қуйидагилардан иборат. Иш ҳақи, иш ҳақидаги ажратмалар, материал ва ускуналар сотиб олиш талабларини молиявий жиҳатдан таъминлаш ва бошқалар. Демак, Ўзбекистон Республикаси Олий мактаби ривож ҳудудлари ва мутахассисликлар ҳаражат моддалари бўйича, ўзининг номутаносиблиги ҳамда нотекислиги билан фарқланади.

Олий ўқув юртлари орасида бир талабага тўғри келадиган таълим даромад ҳажми бўйича Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудлар ўртасида сезиларли тафовут мавжуд. Баъзи ерларда бу фарқ ўртача Ўзбекистон

кўрсаткичидан 1,4 марта, энг кичик даромадли ҳудудлардан эса 2 марта кўп фарқ қилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ўртача бир талабага тўғри келадиган даромад ҳажми бўйича эса тафовут ундан ҳам юқори.

Мисол: 2008–2009 ўқув йилларини оладиган бўлсак, Тошкент шаҳрида Наманган вилоятига нисбатан 6 марта кўп бўлган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер хўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида ўқув ва илмий тадқиқот жараёнларини модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга уетарли даражада эътибор берилмаяпти. Натижада, олий ўқув юртларининг илмий тадқиқот ишларидан олаётган даромадлар улуши камайиб, шунингдек, ҳомийлик ёрдами ҳам сезиларли даражада қисқариб бормоқда. Шартнома асосида таълим олиш айниқса, Тошкент шаҳрида юқори бўлиб, у Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичдан 1,2-1,3 марта юқори. Яъни Ўзбекистон бўйича умумий кўрсаткичнинг 30-40 фоизини ташкил этадиган ҳудудлар ҳам мавжуд: шу билан бир қаторда, шартнома бўйича ўқиш қиймати барча ҳудудлар бўйича тенгланиш тенденциясига эга бўлса ҳам, лекин айрим мутахассисликлар бўйича уларнинг қиймати бир-биридан анчагина фарқ қилади. Энг қиммат мутахассислик ҳуқуқшунослик ва тиббиёт, энг арзони эса-педагогика ва маданият мутахассисликлари ҳисобланади.⁷

Ижтимоий-иқтисодий тизим ҳамда шахснинг иқтисодий талабларининг қондирилиши, атроф-муҳит, экологик шарт-шароитлар жамият манфаатлари

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари Тошкент шаҳри 2010 йил 18 июнь

билан мослиги ижтимоий барқарорликка боғлиқ. Чунки жамиятнинг табақаланиш жараёнининг кучайиши нафақат мулкӣ даражага, балки аҳолининг касбий ва таълим жаражасига ҳам боғлиқ.

Республикамизда таълим соҳасининг муҳим аҳамиятга эғалигини яхши англаб етган ҳукуматимиз таълим ва маориф соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Маориф соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларидан бири бу олий таълимни юксалтиришдир. Ўз навбатида, бу масала олий таълим муассасаларининг мавқеини оширишга ҳам боғлиқ. Олий таълим муассасалари жаҳон талаблари даражасида зиё тарқата олиши учун эса бу масканларнинг моддий-техника базасини кучайтириш керак.

Талабалар қабул қилиш гранти ва олий ўқув юрти моддий-техника негизининг ҳажми таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар ойда таълим муассасасига зарур бюджет маблағини ажратади ва ана шу маблағ ҳисобидан ўз фаолиятини амалга оширади.

2010-2011 ўқув йилида тўлов шартномадаги тушумлар ҳажми 40.4 млрд. сўмни ташкил этиб, бу умумий тушумнинг 88.6 фоизни ташкил этган. Бошқа турдаги фаолиятлардан олинган даромадлар 5.1 млрд. сўмни ташкил этиб, улар умумий тушумнинг 11.4 фоизигина ташкил этган ҳолос.

Бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг асосий харажат моддалари куйидагилардан иборат бўлган:

- иш ҳақи ва иш ҳақиға ажратмалар;
- материал ва ускуналар сотиб олиш;
- талабаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва бошқалар.

Олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида аён бўладики, 2004-2010 йилларда харажатларнинг асосий қисми иш ҳақи ва стипендияларга сарфланган. Демак, маълум бўладики, олий ўқув юртларида бюджетдан ташқари маблағларга илмий-тадқиқот фондини мустаҳкамлаш базаси сифатида эмас, балки иш ҳақини ошириш манбаи сифатида қаралмоқда.

Шундай қилиб, таҳлил натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

Ўзбекистон Олий мактаб ривож ҳудудлар, мутахассисликлар ва харажат моддалари бўйича ўзининг номутаносиблиги билан характерланади. Олий ўқув юртлари орасида бир талабага тўғри келадиган жами таълим даромади ҳажми бўйича Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудлар ўртасида сезиларли тафовут мавжуд. Баъзи йилларда бу фарқ ўртача Ўзбекистон кўрсаткичидан 1,4 марта, энг кичик даромадли ҳудудларда эса 2 марта кўп фарқ қилган.

Шартнома асосида таълим олиш айниқса, Тошкент шаҳрида юқори бўлиб, у Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичдан 1,2-1,3 марта юқори, яъни Ўзбекистон бўйича умумий кўрсаткичнинг 30-40 фоизини ташкил этган.

Шундай қилиб, барқарорлашув жараёнида олий таълим муассасасининг вазифаси тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш бўйича катта ва турли-туман ишларни амалга ошириш, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаб топиш ва жалб этишдан иборатдир.

Институтимизни бюджетдан ташқари молиялашни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш лозим. Молиялашнинг бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини жалб этишда, асосийси, олий таълим муассасаси фаоллиги ҳисобланади. Юқоридагилардан ташқари тўлов асосида таълим хизмати кўрсатиш, ноширлик фаолияти ва бошқалар ҳам бюджетдан ташқари анъанавий манба саналади.

Таълим муассасаларини ривожланиши кўп жиҳатдан уларнинг молиявий маблағлар билан таъминланганлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда келгусида ҳам олий таълимни давлат бюджети ва бошқа манбаалар ҳисобидан молиялаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда айниқса, ўқув муассасасининг ўз ички имкониятларини кенгайтириш, таълимга бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилиш ва ҳомийлар иштирокини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маълумки, ҳозирги барқарорлашув-жараёнида олий таълим муассасаларини давлат томонидан молиялаштириш тобора камайиб, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан унинг харажатларини қоплаш тобора юқорилаб бораётганлиги маълум. Шу боис ҳам институтда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини янада кўпайтириш ва шу мақсадда мавжуд имконият ва резервлардан оқилона фойдаланиш лозим деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, -Т., Ўзбекистон 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 14 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги Қонуни .
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни 1997 йил. 29 август.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№48, 28.01.98 й.), “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора тадбирлари”.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№343, 26.07.2001 й.), “Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№344, 17.08.2001 й.) “Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№4, 05.01.98 й), “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№5, 05.01.98 й.), “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№406, 23.09.98 й.), “1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2009.

2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. -“Халқ сўзи” газетаси.

3. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморактик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

5. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация

килишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. -“Халқ сўзи” газетаси.

7. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

8. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморақтик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

9. Каримов И.А. Барқамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1998.

10. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демоқратик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабр.

11. Каримов И.А. Демоқратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.-Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни барқараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.

13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т.: Ўзбекистон, 2010.

14. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация

килишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. Халқ сўзи, 2012 йил 18 феврал.

Хорижий адабиётлар ва ўқув қуланмалари

31. Высшая школа в 1994 году. Ежегодный доклад развития высшего образования –М.: НННВШ, 1995.

32. Георгиева Т.О. Высшая школа США на современном этапе. –М.: Высшая школа, 1989.

33. Жильцов Е. Проблемы формирования финансово-экономического механизма высшей школы. Материалы международной конференции. «Экономика и управление высшей школы». 1992.

34. Зуев В. Социально-экономические условия формирования региональных комплексов высшей школы. Магистр (Новости НННВО), 1995 г. №6.

35. Иванова Т. Специализация по американски или 90 вариантов выбора. Народное образование. -2002. №6.

36. Иванов Е. Высшая школа в конце XIX-начале XX в. -М.: Прогресс, 1991.

37. Кинслев В. Государственная политика развитие высшего образования в России, 199. №1.

38. Кинслев В. Совершенствовать структуру высшей школы. Региональная 1994, №4.

39. M.Saidov and others Assistance to refominr the system of education in the republic of Uzbekistan. Chater I Educational administration and management.

40. M.Saidov and others Assistance to refoming the system of education in the republic of Uzbekistan. Chater V. Education funding.

41. Образование в Российской Федирации. Статистической сборник. - М.: Госкомстат РФ. 1999.

42. Саидов М.Х. Внебюджетные средства высших образовательных учреждений. «Вестник НУУ» №2, 2000.

43. Саидов М.Х. и др. Методика прогнозирования спроса на специалистов с высшим образованием. -Т., 2000.

44. Саидов М.Х. и др. Содействие реформированию системы непрерывного образования Республики Узбекистан. Глава 1. Управление образованием. -Г.: Молия, 2000.

45. Саидов М.Х. К вопросу управления качеством высшего образование. «Таълим муаммолари», №2, 2000.

46. Саидов М.Х. Совершенствование финансирование и укрепление материально-технической базы образовательных учреждений. «Учитель Узбекистан» №47, 2000.

47. Саидов М.Х. таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. «Таълим муаммолари», №2, 2000.

48. Саидов М.Х. Формирование бюджета вуза по источникам финансирования. «Экономической вестник Узбекистана», №11-12, 2000.

49. Саидов М.Х. совершенствования финансирования и укрепления материально-технической базы образовательных учреждений. «Учитель Узбекистана». 2000.

Интернет сайтлар:

50. www.minfin.ru

51. www.mf.uz

52. www.budjet.ru

53. www.fov.uz

54. www.cer.uz

55. <http://narod.ru/referat/0015.doc>.

56. <http://www.asiauniversalbank.com//awardsb/ank of The Year 09 f>.